Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

38 сон 21 – 27 сентябр 2006 йил

ЭЛ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ...

2006 йил—Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Боқижон Маҳмудов - олий тоифали шифокор, тиббиёт фанлари номзоди, доцент. 30 йилдан зиёд Андижон Давлат тиббиёт институтида турли лавозимларда фаолият кўрсатган. Ҳозир нафақада. Аммо Андижон вилояти Избоскан туманининг Пойтуғ шаҳрида хусусий шифохона очиб, даволаш ишларини олиб бормоқда.

Ушбу шифохонанинг иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. 2004 йилда очилган. Эски, ташландиқ, фойдаланилмаётган бинони ростлаб, таъмирлаб, уни замонавий тиббиёт асбоб-анжомлари билан жиҳозлаш ҳам осон бўлмаган. Лекин тажрибали шифокор терапевт Боқижон ака Маҳмудовнинг хайрли ишга астойдил киришгани, қолаверса, ўғли Абдумажиднинг ота касбини эгаллаб, ёнига кириб қолгани бу борада ижобий самара берди. Ўн ўринга мўлжалланган шифохонага дастлаб юмшоқ ва қаттиқ инвентарлар келтирилди. УЗИ ва ЭКГ аппаратлари, парафин, шунингдек озиш учун мўлжалланган асбоблар билан жиҳозланди. Лаборатория ва физиотерапия хоналари ҳам керакли ускуналар билан таъминланди.

Шундан сўнг бу ерга малакали мутахассислар жалб этилди. Олий тоифали ва кўп йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлган шифокорлар даво излаб келган беморлар касалини вақтида аниқлаб, уларга намунали хизматни йўлга қўйдилар.

Домла шифохона очишдаёқ аҳоли манфаатини кўзлаб иш тутди. Уларга қулайлик яратиш мақсадида пуллик хизматни 30-40 фоизга арзонлаштирди. Кексалар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар учун эса мутлақо бепул даволашни жорий этди. Натижада ярим йил ичида икки миллион сўмликка яқин мурувват ёрдами кўрсатилди.

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили"ни эса бу мурувватли шифокор беморларга ҳомийлик қилишдан бошлади. Уларнинг оилавий шароитларига қараб имтиёзлар яратди. Ҳам арзон нархда хизмат жорий қилинди, ҳам аввал даволаниб чиққанлар учун кейинги текширишларни бепул қилди. Табиийки бу имтиёз, қулайликлардан бахраманд бўлаётганлар Боқижон ака ва унинг жамоасидан чексиз миннатдор.

Шифокор яна бир хайрли ишни йўлга қўйди. Шифохонага қошида уй ҳамшираларини ўқув марказини очди. Бу ерда (шароитидан қатъий назар) ўқишга қизиққан ва иштиёқманд ёшлар арзон нархда ўқитилмоқда.

Шифохона вилоят дон маҳсулотлари очиқ акциядорлик жамиятига қарашли бинода фаолият кўрсатади. Бино анчагина эски. Боқижон Маҳмудов дастлаб унда яхши ниятлар билан хайрли ишларни бошлаб юборганди. Мақсади кейинчалик уни сотиб олиб, замонавий усулда шифохона қуриш эди. Лекин икки йилдан буён бунинг иложи бўлмаяпти. Бинони сотиб олишга ҳозирда йўл очилмаяпти. Бу ҳақда у тегишли мутасаддиларга мурожаат қилиб кўрди. Аммо натижаси сезилмаяпти. Шу жиҳатдан шифокорнинг ўзи ёрдамга муҳтож. "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да ҳал қилиниши лозим бўлган ишлар қаторида ҳомий шифокорнинг бу эзгу мақсадини бино эгаси - юқоридаги жамият раҳбарияти ҳам англаб етади, деб ўйлаймиз. Бинобарин, эски бино ўрнида янги бир шифохона қад ростласа, фойдадан ҳоли бўлмасди. Ажаб эмас, тез орада бу муаммо ижобий ҳал бўлиб қолса...

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,
Андижон вилояти,
"Иқбол" газетаси мухбири.

ЭНГ ОБОД МАҲАЛЛА

Яқинда пойтахтимиздаги маҳаллалар ўртасида ўтказилган кўрик-танловнинг "Энг обод маҳалла" йўналишида 1-ўрин Собир Раҳимов туманидаги Комилжон Ғафуров номли маҳаллага насиб этди. Фуқаролар йиғини раиси Мақсудхўжа ака Азимхўжаев бундай ютуқнинг боисини маҳалла аҳлининг иноқлигида, бир-бирига меҳрли эканлигида деб билади. Дарҳақиқат, шу йил декабр ойида ташкил этилганининг 40 йиллигини нишонлайдиган ушбу маҳалладаги 728 та хонадоннинг ҳар бирида ўзгача файз, тароват, кишининг баҳри-дилини очадиган покизалик бор. Азонда келинлар, ёш қизлар сув сепиб, ҳовли ва кўча эшик атрофини чиннидай қилиб супириб-сидирадилар, отахонлар ёнларига набираларини олиб дарахтларга, гулларга, ишкомга шакл берадилар, пишган меваларни терадилар. Хуллас, эрта тонгдан ҳақиқий маҳаллага хос ҳаёт қайнайди.

- Маҳалламизда ўзига тўқ инсонлар, тадбиркорлар ҳам, ижтимоий ҳимояга муҳтож, камхарж оилалар ҳам бор,-дейди оқсоқол. - 46 та оилани эҳтиёжманд сифатида рўйхатга олганмиз. Ҳомийлар ёрдамида байрамларда уларга совға-салом, моддий ёрдам бериб турибмиз. Яқинда бир хонадонда ёнғин бўлган эди. Шу оилага ҳам 200 минг сўм ёрдам пули ажратдик. Бу борада бизга ҳудудимиздаги "Саҳоват барака" фирмаси раҳбари Қобилжон Қодиров, фермер Мансур Давидов, нонвойхона соҳиби Жалолиддин Рисқиев, шунингдек тикувчилик цехи, ошхона жамоалари беминнат кўмак бериб келишаяпти. Маҳалламиз аҳлига 33-ҳамда 54-оилавий табобатхоналар хизмат кўрсатади. Улар билан ҳамкорликда кўпроқ хотин-қизлар ва ёшларнинг соғлиғини назорат қилишга эътибор қаратаяпмиз. Имкониятга қараб уруш ногиронлари ва ночор оилалар аъзолари даволаниш учун йўлланма ҳамда дори-дармонларни бепул олишларига ҳам ҳаракат қилаяпмиз.

Мақсудхўжа Азимхўжаевнинг таъкидлашича, маҳаллада аҳолини иш билан таъминлаш борасида ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Биргина тикувчилик цехининг ўзида 100 га яқин ёшлар, хотин-қизлар ишлашаяпти. Мебел, макарон маҳсулотлари, колбаса ишлаб чиқарувчи цехларда, нонвойхона, ошхона, маиший жиҳозлар ва уй-рўзғор буюмларини тузатиш устахонаси, сартарошхонада ишлаётганлар сони ҳам жами 100 нафардан ошади.

-Ниятимиз "Энг обод маҳалла", деган номга ҳар томонлама муносиб бўлиб қолиш,- дейди М. Азимхўжаев.

Д. ИБРОҲИМОВ

МОҲИ РАМАЗОН ЯҚИН...

...Шу муносабат билан Ўзбекистон Миллий матбуот Марказида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раҳбарлари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Бу йил диёримизда муборак рамазон ойининг биринчи санаси 24 сентябр – якшанба кунига тўғри келади. Ушбу муборак ой ибодатларини тўла-тўкис адо этиш учун юртимизда барча шароитлар муҳайё. Хусусан, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 2027 та масжидга таворех намозлари ўқиш учун малакали қорилар бириктирилган. Шунингдек, бу ойда қилинган савобли ишларнинг даражоти қанчалар улуғлиги, айниқса меҳр-мурувват кўрсатган инсонларнинг топажак савоблари, шу баробарида, ифторликлик маросимларни ихчам, ортиқча ҳаражатларсиз ўтказиш хусусида имом хатиблар томонидан тегишли тавсиялар бериб борилиши алоҳида қайд этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов мамлакатимизда фуқароларнинг Ҳаж ва Умра зиёратига боришларида ҳукумат томонидан яратилаётган қулайлик ва имтиёзларни мамнуният билан таъкидлаб ўтди.

"ОНА ВА БОЛА" ИШГА ТУШДИ

Фарғона вилояти, Охунбобоев туманининг Ғиштмон қишлоғида "Она ва бола" марказий шифохонаси таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

Туман ҳокимлиги ташаббуси билан бошланган ушбу хайрли ишга нақ 300 миллион сўм сарфландики, натижада уч қаватли, замонавий талабларга жавоб берадиган иншоот қад ростлади. Қурилиш-бунёдкорлик ишлари олтиариқлик машҳур қурувчи Р. Эркабоев бошчилигидаги "КМК - 001" ташкилоти томонидан амалга оширилди. Ушбу масканнинг янги қиёфа касб этишида ҳомийларнинг ҳам баракали ҳиссаси бор, сарфланган маблағнинг учдан бир қисми саховатпешалар ҳисобидан бўлди.

Эндиликда 250 нафар малакали тиббиёт ходимлари барча қулайликларга эга шифо масканида аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқдалар.

"Туркистон-пресс"

Ахборот

ҒОЛИБ АНИҚЛАНДИ

Навоийда вилоят "Маҳалла" жамғармаси ташаббуси билан "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури доирасида "Энг яхши маҳалла" кўрик-танлови ўтказилди.

Халқимизнинг миллий ва маънавий қадриятларини эъзозлаш ва тарғиб қилиш, Ватанни севиш, оилаларни мустаҳкамлаш, фарзандлар тарбиясини давр руҳига мос ташкил этишга, миллатлар ўртасида дўстлик, ҳамжихатликни қарор топтиришга муносиб ҳисса қўшган, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ривожлантирган, тадбиркорлик соҳасида муайян натижаларга эришган маҳаллани аниқлаш мақсадида ўтказилган мазкур кўрик-танловда биринчи ўрин Қизилтепа туманидаги "Бўлакработ" маҳалла фуқаролар йиғини(раиси М. Жумаев)га берилди.

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Туркистон-пресс"

БОШ МАСЛАҲАТЧИ

Маслаҳатчилар семинарида Бош маслаҳатчи (чапдан) Мавлудахон Қорабоевани тақдирлашяпти.

- Навкент қишлоқ фуқаролар йиғинидаги "Булоқбоши" маҳалласи аҳлининг ишончини оқлаб ишлаётган Мавлудахон опа Қорабоеванинг фидоийлиги ҳар қандай таҳсинга лойиқ, - дейди Янгиқўрғон туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Шоҳидахон Иззатиллаева. - Шу боис ҳам чорак асрча оддий кутубхоначилик қилиб, ҳамқишлоқларига зиё нурин тарқатган Мавлудахонни ҳудуддаги олтита маҳалла маслаҳатчиларининг бош маслаҳатчиси этиб тайинлаганмиз.

Қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Садриддин Қозоқов шундай дейди:

- Олтита маҳалламиздаги диний-маърифат, маънавий, аҳлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиларимизнинг барчалари бир-бирларидан кам эмас. Вақти келса маслаҳатчига ҳам маслаҳат керак бўлиб қоларкан. Жойларда пайдо бўлаётган у ёки бу муаммони ижобий ҳал этиш мақсадида маслаҳатчиларимиз албатта ҳафтада бир марта тўпланишиб, тажрибалари билан ўртоқлашиб оладилар. Оилавий муросасизликларни бартараф этишда ҳам елкадошлик қилишади. Бундай масалаларда бош маслаҳатчи Мавлудахон Қорабоеванинг йўл-йўриқлари, кўрсатмалари, одамлар билан муомала қилиш санъати қўл келмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳамидхон ака Тангриқулов айтишича, маслаҳатчи Мавлудахон онахону, отахонлар кўмагига таяниб, вақти келса уларни бевосита жалб қилиб фаолият кўрсатади. Маҳаллада Холмирза Эрматов, Юсупжон Тожибоев сингари кўчабошилар, Барнохон Аҳмедова, Иноятхон Хўжамберганова, Фотимахон Холмирзаева, Ҳадича Розиқовадек ибратли оила бекаларининг гап-сўзларини икки қиладиган топилмайди.

Йил бошидан бери тўрт нафар ажралиб кетиши арафасида турган ёш оилалар тикланди. Кейинги бир йил мобайнида маҳаллада оғир жиноят содир этилмади. Жазони ўташ муассасасидан қайтган бир йигит муқим иш билан таъминланди.

Қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш мақсадида "Жажжи гўзаллар", "Оқила қиз", "Келинлик масъулияти", "Соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади" каби беллашувлар ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида икки нафар кам таъминланган оилага бир бошдан соғин сигир олиб беришда Мавлудахон бош-қош бўлди.

- Маҳаллада маслаҳатчи бўлиш шунчаки иш эмас. Мавлудахон опадан кўп нарса ўргандим, - дейди қишлоқда янги ташкил этилган "Ҳақиқат" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Дилоромхон Турғунова. - Айниқса, одамлар билан муомала қилишдек нозик масалада жуда эҳтиёт бўлиш керак. Самимийлик билан битмас ишни осонликча битириш мумкин.

Бош маслаҳатчи тўғрисида бундай илиқ эътирофларни "Сангистон", "Иттифоқ", "Юқори Навкент", "Навкент" каби маҳаллаларнинг маслаҳатчилари Фаридахон Исматиллаева, Зуҳрахон Олимова, Робахон Тўхтабоева, Зулхумор Ҳасанбоевалардан ҳам эшитдик.

Ҳамжиҳатлик бор жойда иш олға босаверади. Буни Навкент қишлоқ фуқаролар йиғинидаги бир-бирига кўмакчи, маслаҳатгўй маслаҳатчилар фаолиятида яққол кўриш мумкин.

"Орзуга айб йўқ..." "Бойчечак" номли мактабгача таълим муассасасининг жажжи кичкинтойлари.

Шу боис ҳам яқинда туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан бу ерда кўргазмали семинар ташкил этилди. Унда иштирок этган тумандаги 58 маҳалланинг маслаҳатчилари кўп нарса ўрганишди.

- Маҳаллам мени оиламдек, - дейди қаҳрамонимиз. Худога шукр, одамларимиз аҳил. Йил бошида бир маҳалладошимизнинг уйи ёниб кетди. Барча каттаю кичик ёрдамга келиб, уч-тўрт кун деганда уй тикланди. Бу аҳиллигимиздан. Шунимизга кўз тегмасин.

Ҳа, биз ҳам шу ниятни дилимиздан тилимизга чиқаргимиз келди.

Асқарали МАМАТОВ,
Наманган вилояти,
Янгиқўрғон тумани.



Шаҳрисабз шаҳар ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Шаҳодатхон Аслонова тавсияси билан "Савдогарбанк"нинг Шаҳрисабз бўлими бошқарувчиси Ҳадичахон Норова билан яқиндан танишиб қолдик.

- Бу кун банкни четлаб ўтадиган соҳа йўқ ҳисоб, - дейди Ҳадичахон. - Шунинг учун одамларга банк билан муомала қилишни, ўзларига ҳам, давлатга ҳам фойда келтириш йўлларини ўргатиш зарур. Кексалар, болалар нафақаларини, ойлик маошлар ўз вақтида берилиши учун ҳам банк тизими ходимлари ўз ишларининг билимдони, чаққон ва сўзамол бўлишлари керак. Банкда амалга ошириладиган биринчи даражали тўловлар, турли операциялар, шартномалар юртимиз, элимизнинг фаровонлиги йўлида хизмат қилади. Бу ҳақда ҳамшаҳарларимиз билан тез-тез суҳбатлар ўтказамиз, ҳуқуқларини тушунтирамиз. Аввало мижознинг кўнглини олишга ҳаракат қиламиз. Кам таъминланган оилаларнинг иш бошлаб, ўзини ўнглашига ёрдамлашамиз. Кичик оиланинг араваси тўла бўлсагина, Ўзбекистонда фаровонлик бўлади.

Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятидан

ЭНГ ЗАРУР ХИЗМАТ

ОРЗУСИГА ЭРИШГАН АЁЛ

Самарқанд вилояти Тойлоқ туманилик Зулфия Ёқубова бутун умрини болалар ҳаётига маърифат олиб киришга бағишлади. 56-мактабда ўқитувчилик қилди. Кейин директор ўринбосари бўлиб фаолият юритди. 20 йилча мактаб жамоасига раҳбарлик қилди. Ўқитувчиларнинг кўпчилиги хотин-қизлар бўлгани учун ҳам Зулфия опа уларнинг кўнглини топишга, феълирафторига тушишга ҳаракат қилди. Жонкуяр раҳбар қишлоқ, туман кенгашлари депутати бўлди. Нозик елкасида ҳамшаҳарларининг юкини кўтаришга интилди. У хотин-қизлар қўмитасининг фаолларидан бири эди. Ҳозир ҳам қўмитадагилар, маҳалла маслаҳатчилари тез-тез опадан маслаҳат олгани келиб туришади.

Зулфия Ёқубова бугун орзусига эришган аёл. Қатор шогирдлари эл ишонган инсонлар бўлиб етишишган. 4 ўғил, 1 қизи жамиятда ўз ўрнига эга. 16 набира, 2 нафар чевараси бувижониси атрофида парвона. 3 келин Зулфия опани "онажон" деб аташади. Аёл учун бундан ортиқ бахт борми!

ДАВР БИЛАН ҲАМОҲАНГ

Бизнинг бўлимимизга мурожаат этувчилар кўп. Кимдир янги туғилган чақалоғига гувоҳнома олади, бошқалар никоҳдан ўтиш учун ариза беради, афсуски, оз бўлса-да "қўйди-чиқди" масалалари ҳам учраб туради.

Ишимиз фақат далолатномалар ёзишдангина иборат эмас. Хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла маслаҳатчилари, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан бирга маънавий-маърифий, ҳуқуқий тарғибот ишлари ҳам олиб борамиз. Янги ўқув йили бошланганига ҳали кўп бўлмаса-да, бир неча мактабларда юқори синф қизлари иштирокида "Ҳаётга тайёрмисан, қизгина?" мавзусида суҳбатлар ўтказдик. Қолаверса, шифохона ва врачлик пунктлари мутахассислари ёрдамида туғиш ёшидаги аёлларни, оила қуриш арафасидаги қизларни тез-тез тиббий кўрикдан ўтказиб турибмиз. Сабаби, аёл, келин соғлом бўлса, аввало, соғлом болалар туғилади, бундан ташқари оилаларда бўладиган айрим гап-сўзларнинг олди олинади. Шаҳримиздаги "Саломатлик маркази"да никоҳдан ўтиш учун ариза берган йигит-қизлар тиббий кўрикдан ўтишади. Мабодо, уларда айрим касалликлар аниқланса, даволаниб дарддан фориғ бўлишлари чоралари кўрилади. Шу туфайли куёв ёхуд келиннинг касаллигидан норозилик оқибатида келиб чиқадиган низо ва ажралишлар камайиб бормоқда.

Мақсадимиз, ФҲДЁ бўлимига юртдошларимиз фақат яхши ниятлар, қувончли, бахтли кунларини биз билан баҳам кўриш учун ташриф буюрсинлар.

Мамлакат КАРИМОВА,
Сирдарё туманидаги 2-сонли ФҲДЁ мудираси.

Ахборот

"ДОКТОР"ЛИК УНВОНИ МУБОРАК!

Яқинда республика Миллий матбуот марказида "Автоҳамроҳ" журнали бош муҳаррири Қумрихон Каримовага ижтимоий йўналишдаги фаол илмий ва жамоат ишлари учун Халқаро Илмий Академиянинг "докторлик" дипломини топшириш маросими бўлди.

Тадбирни "Республика журналист аёллар клуби" раиси М. Каримова бошқарди. Халқаро Илмий Академиянинг вице-президенти, академик Ф. Бойназов Қумрихон Каримовага докторлик дипломи ва махсус либосни тантанали равишда тақдим этди. Мазкур Академиянинг академиги, профессор С. Мирсолиҳов бу илмий даражанинг масъулияти ҳақида гапириб, иқтидорли раҳбарнинг кейинги ишларига муваффақият тилади.

С. ФАХРИДДИНОВА

БЕНАЗИР РАҚҚОС

Мукаррама Турғунбоевалар билан бирга рақс тушган. 27 ёшида "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" унвонини олган. Усмон Юсупов ҳам отамни яхши кўрган эканлар. Усмон ота отамни кўрди дегунча ўйинга тушишга даъват қиларканлар.

Отам Ражабали Назарзода 1911 йил Бухоро шаҳрида таваллуд топган. 11 ёшида рақс санъатига бўлган иқтидорлари бутун Ўзбекистон ва Тожикистонга овоза бўлган. Ўшандан бошлаб, Бухорода, Чоржуй, Термиз ва Хўжакентдаги халқ театрларида ишлаган. 1927 йилдан 1937 йилгача Қашқадарё, Хоразм, Боку, Москва, Олма-ота, Хитойдаги уйғур ансамблида фаолият кўрсатган. Умрларининг охирги йиллари Ўзбекистон Давлат Филармониясида хизмат қилган.

Отам 45 ёшида 1956 йил Москвага санъат декадасига кетаётганда сирли равишда, фожеали ҳалок бўлган. (У пайтда мен энди 2 ёшга кирган эканман.) Минг афсуски, бу иш кимлардир томонидан "босдибосди" қилиниб, душманлари жазодан қутулиб қолишган.

...Отам шу қадар чиройли рақс тушганларки, ҳатто йиғилганлар ҳам уларга қўшилиб ўйнаб кетишган. "Лағмон чўзиш", "Илон", "Лаган", "Қайроқтош" рақслари ҳали-ҳали кўрган одамларнинг эсидан чиқмайди. Отагинам Фарғона канали қурилишида ҳашарчиларнинг кўнглини кўтариш учун ҳам рақс тушиб, ҳам уларга сув етказиб бериб турганлар. Тамарахоним; Усмон ота отамни кўрди дегунча ўйинга тушишга даъват қиларканлар.

Жангчиларнинг кайфиятини кўтариш учун отам жанггоҳларда ҳам иқтидорини намойиш қилган. Одамларнинг яшашга иштиёқини кучайтирган.

Ҳукумат Ражабали Назарзоданинг бу меҳнатларини "Меҳнатда кўрсатган зафарлари учун" медали билан тақдирлаган. Рақс санъатининг юлдузи бўлган отагинамга ўлимидан сўнг "Ўзбекистон Халқ артисти" унвони берилди. "Ўзбек миллий рақс тарихи" китобида ҳам у киши ҳақида махсус бўлим бор.

Онам Ҳожихон Холмирзаева филармонияда тикувчи-чевар бўлиб ишлаганлари учун доим отам билан ҳамнафас бўлганлар. Отам диди нозик инсон бўлгани ҳақида кўп гапиради онам. 42 йил деганда дадамнинг онаси - 110 ёшли Қорақош момомни топдим. Момом ҳам отамнинг болалигидан "ўйинга суяги йўқлиги" ҳақида ҳикоя қилгандилар.

Бу ҳақда санъат арбоблари, ёзувчилар, отамнинг қадрдонлари ва дўстлари кўп ва хўб гапиришган. Умри бевақт хазон бўлган отагинамнинг охиратлари обод бўлсин!

Мамлакат НАЗАРЗОДА,
Тошкент.

Миннатдорчилик

ФАЙЗЛИ КУТУБХОНА

Зулфия номли кутубхона мудири Шоҳида опа Ахмедова камтарин, меҳрибон, китобхонларга ғамхўр. Кутубхонага борсак, қандай китоб кераклигини сўраб, дарҳол топиб берадилар. Бирор марта бировнинг дилини ранжитмаган. Туманда ўтказилаётган маданий тадбирларга ҳамиша бош-қош..

Кутубхона Шоҳида опадай билимдон, ширинсўз инсон билан файзли. Кутубхона фаолларидан ўзим, Зарипова Нигина, Темирова Зебинисо, Иноятова Мухлисалар билан ҳар икки кунда китоб мутолаа қилиш учун у ерга бораман. "Оила ва жамият" ни ҳам ана шу кутубхонадан ҳар ҳафта олиб ўқиб тураман. Баъзида кутубхонага боролмай қолсам, Шоҳида опа уйимга келтириб берадилар. Бу ҳам уларнинг биз китобхонларга бўлган ғамхўрлигидир. "Китоб ўқийдиган ўқувчилар қанча кўп бўлса юртимиз шунча гуллаб яшнайди", деб айтадилар.

Нигора ЗАРИПОВА,
Пешку тумани.

МЕҲР

Меҳр! Тўрттагина ҳарфдан иборат шу сўзнинг замирида қанчалар маъно, мазмун мужассам. Ватанга, заминга, ҳаётга, ота-онага, фарзандга, қариндош-уруғ, яқинлар-у ёрудўстларга, оилага, касбга, ишга меҳр. Меҳр нафақат инсонларда, ҳайвонлар-у ҳашоратларда, жамики мавжудотларда ҳам бор.

Эрталаб идорада иш бошлашим билан ҳузуримга кириб келишган икки қизнинг ўкинчли суҳбатидан кейин мен ўз-ўзимдан меҳр ҳақида ўйлаб, хаёлга толдим. Шу хаёл оғушида стол устидаги "Оила ва жамият" газетаси саҳифасидаги Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов билан суҳбатни ўқий кетдим. Ўткир Ҳошимов журналист саволига жавобан дейди:

- Дунёда севги каби сирли, қудратли туйғу кам бўлади. Аммо севги абадийдир, деган гапга мен ишонмайман. Ҳар қандай "оташин" севги ўрнини вақти келиб бир-бирини сўзсиз тушуниш, бир-бирига суяниш, ҳуллас, катта маънода МЕҲР деган туйғу эгаллайди.

Севишиб-ми, севишмайми, ҳар ҳолда умид билан бир ёстиққа бош қўйишган барча эрхотинларнинг ҳам қалбларини меҳр деган туйғу эгаллаб, забт қилмаслиги, меҳрсиз эр, бемеҳр оталар борлиги ачинарлидир. Ҳалигина қабулимда бўлишган икки қиз ҳам бемеҳр ота-дастидан оҳ урганлардан эдилар. Қизларнинг исмлари ва яшаш манзилларини кўрсатишни лозим кўрмадим. Косон туманидаги қишлоқларининг бирида истиқомат қилишаркан. Бири ўн етти, иккинчиси ўн олти ёшда, каттаси қатъият билан гап бошлади:

- Бизлар онадан беш фарзандмиз. Отам, деб аташга тилимиз айланмайди. Онамнинг эри ташлаб кетганида бизлар норасида гўдаклар бўлганмиз. Мен икки ёшда бўлганман. У одам онамга ўз раъйи билан уйланган. Беш болали бўлганида бир бузуқи аёлга илакишган. Онам билан бизларни ташлаган-у ҳалиги аёл билан аллақаёққа гумдон бўлган. Қайтиб қорасини кўрсатмаган. Сал ўтмай унинг ота-онаси, ака-ука, опа-сингиллари биргалашиб, онамни беш бола билан уйдан ҳайдаб чиқариб юборган. Онам отасиз беш сағирни етаклаб, у ер-бу ерда яшаш билан бирга далага чиқиб, хўжалик ишларида ишлай бошлаган. Яхши одамларнинг кўмагида бир парча ер олган. Кундузлари далада ишлаб, кечалари ҳалиги ердан ҳандақ қазиб, лой қорган, қолипда ғишт қуйган. Ҳашар қилиб, бошпана қурган. Ҳозир ҳам шу ҳужрада яшаймиз. Орадан қарийб йигирма йил ўтса-да, биз у одамнинг қорасини бир марта бўлса-да қайтиб кўрмадик. Қариндош-уруғлари ҳам ақалли бир марта бўлса-да, ҳол сўрашмади. Бу ҳаёт онамизни ҳолдан тойдириб, касалманд бўлиб қолди. Бу йил мактабни битиряпман. Ўқишга кириш ниятим бор. Яқинда паспорт олишим керак. Биз, бешовимиз ҳам ўзимиз билмаган, танимаган, бегона одамнинг номи ҳужжатларимизга ёзилишини мутлақо истамаймиз. Шунинг учун ҳаммамиз онамизнинг фамилиясига ўтиб, шу исм-шариф билан ҳужжат олишга қатъий аҳд қилдик. Бизларнинг туғилиш гувоҳномаларимизни шу тартибда қонуний ўзгартириб беришингизни сиздан илтимос қилиб сўраймиз.

Шу кунги иш куним ғалати бўлди ўзи. Қизлар чиқиб кетишгач, қабулимга бир йигит кирди.

МУЛОҲАЗА. МУШОҲАДА. МУНОЗАРА.

- Қишлоқдан келдим, - гап бошлади йигит. - Ёшим 23 да. Ҳамма ҳужжатларим мана бу папкада. Мақсадимга оғзаки изоҳ берсам, воқеа бундай бўлган: Мен бир ёшлигимда отам Қаршида ўқиб юриб, бир қизни севиб қолган ва онамни ҳайдаб юбориб, ўша қизга уйланиб кетган. Шундай бўлса-да, онам отамнинг инсофга келишидан умидвор ҳолда бир ярим йил ўзининг ота-онаси уйида бева бўлиб ўтириб, отамни кутган.Ниҳоят, узоқ йиллар яшаб, хотинидан фарзанд кўрмай ажрашган бир бева эркакка онамни узатишган. Онам мени ҳам бирга олиб кетган. Бўлғуси ўғай отамнинг ота-онаси бўлган. Янги қайнота борган куниёқ онамга деган:

- Келин, ўғлингизни бизга беринг, кампирим билан ўзимиз парваришлаб қараймиз, ўзимиз катта қиламиз. Айтиб бўлмайди, ўғлим болангизни ўкситиб қўйиши мумкин. Гўдакка озор етмаслиги керак.

Шу кундан эътиборан мен чол-кампирнинг қўлларида парваришлана бошлаганман, улғайиб, вояга етганман. Мен гўдаклигимдан буванижота, момони-она, деб атаб, шунга ўрганиб, кўникиб кетганман. Мактаб ёшига етганимда бувам менинг қўлимдан етаклаб мактабга олиб борган. Хуллас, ҳар жиҳатдан чин маънода оталик қилганлар. Ақлимни таниганимдан кейин ҳаммаси аён бўлди, ҳаммасига тушуниб етдим. Йигирма уч ёшга кирибманки, ўз отам кимлигини билмайман ҳам, танимайман ҳам. Энди у одам ким бўлишидан қатъий назар ота сифатида тан ҳам олмайман. Менинг ҳақиқий чин отам мана шу чол. Энди бу одамнинг фамилиясига ўтиб, ўзимни шу кишининг чин ўғли сифатида расмийлаштирмоқчиман. Ҳамма ҳужжатларни келтирдим. Шуларни қонуний расмийлаштириб берсангиз.

Бу икки ҳолатни изоҳлаб шарҳлаб ўтиришга ҳеч қандай эҳтиёж сезмадим. Очиғини айтганда, бундай воқеалар бугунликда унчалик ҳайратланарли ҳам эмасдек туюлади. Бир уй болалари билан садоқатли умр йўлдошини аро йўлга ташлаб, қаёқдаги суюқоёқларга илакишиб, этагини тутиб кетаётган енгилтак, бемеҳр оталар, чақалоғини ахлатхонага ташлаб ёки болаларини етимхонага топшириб кетишаётган оқибатсиз, меҳрсиз оналар, ота-онасини тан олишдан тонаётган болалар қаёқдан келиб қолишди экан, деган ўй безовта қилади кишини. Айб болаларда эмас, ҳамма айб ота-оналарда, деган қатъий ҳукм чарх уради мияда. Ўткир Ҳошимов ҳам шундай фикрда:

- Оилада ота энг улуғ шахс бўлиши, бироқ шунга яраша юкнинг оғирини кўтариши, оила шаънини қаттиқ ҳимоя қилиши, ҳар қандай вазиятда ҳам энг аввало фарзандлар қисматини ўйлаб иш тутиши керак. (Катта кўприкнинг кўтарадиган юки ҳам катта бўлади!)

Ёзувчининг фикридан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, туя элакка қолганда бақирибди, деганларидек, ҳозирги "катта кўприклар" юкнинг оғиридан қочишаяпти. Бу дегани, эркаклик номига исноднинг ўзгинаси-да, ахир. Менга қолса, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юрадиган, хотинини бозорга қўйиб, ўзи уйда бешик тебратиб ўтирадиган енгилтабиат, хотинчалиш, бемеҳр, оқибатсиз, лафсиз, тутуриқсиз, тошмеҳр, боладан безувчи хотинбоз, ландовур эркаклар жамиятимизда битта ҳам бўлмаса дейман. Ҳозирги ҳамма ўзбек эркакларининг аждодларимиздек оилапарвар, болажон, меҳр-оқибатли, садоқатли, лафзли, бир сўзли, қатъиятли, мард, танти, ҳимматли, саховатли, ориятли, ғурурли, виждонли, одобли, ростгўй, элим-юртим, оилам, болам, деб куюниб, елиб, югуриб, ҳалол топиб, ҳалол яшайдиган бўлишларини истардим. Инсон боласига энг зарури меҳрли бўлишдир. Меҳрли бўлса, ҳаммаси бўлади. Шоир Сирожиддин Саййид деганидек:

Гуллар тўкиб баҳор кетар
сўрингиздан,
Эрта-индин ой ҳам кетар
қирингиздан.
Нима фойда кўнгилдаги
киринглиздан,
Меҳрингизни қизғанманг
бир-биригиздан.

Жамиятнинг ўзаги бўлмиш оилани мустаҳкам қуриш, сақлаш эркаклар бурчи. Бу мураккаб вазифани ҳалол бажаришда мулоҳазали, ўйловли бўлиш, узоқни кўра билиш, кечиримлилик, ўзни тута билиш, ҳавоий ҳисларга берилмаслик жуда қўл келади.

Юқоридаги қизлар ва йигитнинг оталарини бахтли ҳаёт кечираяпти деб айтиш қийин. Улар йўлдан адашганлардир. Вақти келиб афсус-надоматлар чекишади, пушаймонлар қилишади. Афсуски, вақт ўтган, ғишт қолипдан кўчган бўлади у пайтда. Бундайлар жуда кўп. Бундай бандаларнинг кўзлари очилган чоғда ҳамма улардан юз ўгирган бўладилар. Шоир Нормамат Тоға ёзганидек ўртаниб қолаверишади:

Оёғим тойдими билмам
баногоҳ,
Ҳаёт йўлларида адашдим
ногоҳ.
Қидирдим, бахт йўлин,
топмадим эвоҳ,
Бахтсизлик боғидан топдим
мен паноҳ.

Озодахон АШУРОВА,
Қашқадарё вилояти, Косон туман ФҲДЁ бўлими ходимаси.

ЭНГ ФАОЛ ОБУНАЧИ

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

- Ассалому алайкум,-дея хонамизга кириб келган кишининг кўзларида илиқлик, самимият бор эди. Ҳали жавоб беришга улгурмасимиздан у киши ёнидаги 10-12 ёшлар атрофидаги болага сўз қотди:

- Ўғлим, "Оила ва жамият" газетаси шу ердан чиқади. Сен газетанинг 11-бетида ўқийдиган эртак, шеър ва ҳикояларни ҳам шу кишилар тайёрлаб беришади.

Кутилмаган меҳмоннинг бир муддат тин олганидан фойдаланиб, дарров саволга тутдим:

- Келинг меҳмон, айбга буюрмайсиз, қаерлардан сўраймиз?

- Ҳа-я, ўзимни таништирмадим-ку! Сатторов Жамолиддин бўламан. Самарқанд вилояти, Булунғур тумани марказида истиқомат қиламан. Касбим иқтисодчи, "Мингчинор" ширкат хўжалигида ҳисобчи бўлиб ишлайман. Икки қизим Тошкентда ўқишади. Шуларни кўриш, шу баҳонада сизларни ҳам "ҳорма!" қилиб кетиш учун келдим-да.

- Шошманг-шошманг, сиз...

Жамолиддин ака нима демоқчи бўлганимни тушуниб, гапни илиб кетди:

- Ҳа, ҳа, мен ўша сизлар эълон қилган обуначилар танловида ғолиб бўлган Жамолиддин Сатторовман. Тўғриси, "Оила ва жамият"ни ўқий бошлаганимизга унча кўп эмас, атиги тўрт йил бўлди. Олдинига газета дўконидан сотиб олиб турдим. Қарасам, баъзи сонларини ололмай қолаяпман. Шунда янгангиз билан маслаҳатлашиб, обуна бўлдик. Мана уч йилдирки, доимий обуначимиз. Ҳар бир сонини бутун оиламиз билан берилиб ўқиймиз.

- Газетанинг қайси мавзулари, рукнлари сизга кўпроқ маъқул келади?

-Газетада ота-бола, қайнонакелин, эр-хотин муносабатлари, фарзанд тарбияси каби масалаларда жуда ибратли, фойдали, энг асосийси бизнинг кўнглимиздаги, ҳар доим ҳам тилимизга чиқаролмайдиган гаплар ёзилади. Турли тақдир эгаларининг дил изҳорлари, турмуш кечмишларидан ўзимизча сабоқ чиқарамиз, фарзандларимизга ҳам шулардан келиб чиқиб маслаҳат, тарбия берамиз. "Ҳаёт йўлларида қоқилмасликни истасангиз, мана шу тақдирлардан тўғри хулосалар чиқаринглар", деб уқтирамиз. Мана, қизларимиз бор. Худо хоҳласа, уларнинг ҳар бири бир хонадонга келин бўлади. Газета бераётган сабоқ ва тарбия келажакда уларга жуда-жуда асқотишига ишонаман. Шу маънода бу газета фарзанд ўстираётган ҳар бир ота-онага керак, деб ҳисоблайман.

Аслида газетхонлик бизга ота-онамиздан ўтган. Отам Даврон бобо Сатторов ва онамиз Шафоат она Сатторовалар бу йил етмишга киришди. Отамиз бир умр туман электр тармоқлари корхонасида ишлаган. У киши ҳар йили бир қанча газета-журналларга обуна бўлар, бизларни ҳам ўқувчи болалар нашрларига ёздириб келардилар.

- Бизни оилангиз билан ҳам таништирсангиз?

- Янгангиз Мавлудахон билан институтда бирга ўқиб, ўша ерда танишиб аҳду паймон қилганмиз. Ҳозир туман ҳокимлигида ишлайди. Тўрт қиз, бир ўғлимиз бор. Юқорида айтганимдек, икки қизимиз Тошкентда, бири тиббиёт, иккинчиси педагогика коллежида таҳсил олишаяпти. Қолганлари мактабда. Мана бу йигитча ўғлимиз, исми Муродбек. 4-синфда ўқийди. Мултфилмлар қаҳрамонларининг расмларини ўзига ўхшатиб чизади. Тўрт йилдан бери кикбоксингга ҳам қатнашади. Тумандаги мусобақаларда 1-ўринни, вилоятда эса 2-ўринни олган.

- Танловимизда ғолиб бўлганингизни билгач, қандай аҳволга тушдингиз?

- "Оила ва жамият"нинг қанча обуначилари бор. Улар орасида айнан бизга омад қулиб боққанига, тўғриси, ҳалиям ишонгим келмайди. Таниш-билишларимиз ҳам буни эшитиб, табриклашаяпти.

Ҳаётга теран кўз билан боқадиган, фарзандлари келажагига бефарқ бўлмаган, бу борада "Оила ва жамият"ни ҳамфикр, маслаҳатгўй, деб биладиган Жамолиддин ака билан хайрлашар эканмиз, ўғиллари Муродбекка, "Чизган расмларингиздан "Болалар саҳифаси"га албатта юборинг", дея тайинладик.

Дармон ИБРОҲИМОВ.

НИКОҲ УЗУГИНИ ОТИБ ЮБОРДИМ...

- Ҳаёт жуда оғир экан. Мен шу пайтгача бунга эътибор қилмагандим, - дейди мен билан суҳбатлашаётган йигит ўйчанлик билан.

- Унинг мен учун ўзгартириб бўлмайдиган томонлари бор. Тақдиримда жуда кўп кўргуликлар бор экан!

- Бу сўзларингиздан бошингизга бирор ташвиш тушган кўринади?

- Исмим Анвар. Очиғини айтсам ҳали талабаман. Аммо бир марта уйланиб ажрашишга ҳам улгурдим. Ота-онам қанчалар қувонч билан елиб-югуриб тўй қилишганини эсласам... Афсуски уларнинг қувончи узоққа бормади. Икки ой ўтар-ўтмас ажрашдик. Иккингиз ҳал қиласизлар. Яшайдиган сизлар-ку!" - деб ўзимга қўйиб берди. Хотиним эса уйга қайтишга кўнмади. Кейин билсам ажрашиш учун судга ариза берибди. Ахир мен уни яхши кўрсам, бир оғиз ўша йигитнинг кимлигини сўраганим учун шунчаликка бориши шартмиди?

- Нима бўлди? Ажрашиб кетдингларми?

- Ҳа, мана шунга ҳам олти ой бўлибди. Онам катта рўзғоримизнинг юмушларини бажаришдан чарчаганлиги учун яна уйланишга қистади, йиғлади. Холаларим бир қиз топишган экан. Ноилож, азбаройи онамга ачинганим учун бориб кўрдим. Чиройликкина экан, йиғин тилга кирди.



- Мен чиндан ҳам турмушга чиқмаганман. Лекин... Ҳаётда алданиб қолдим. Ўғлимни онамга ташлаб... Буни кеннойиларим маслаҳат беришганди. Мана, ҳамма гапни билдингиз. Энди эса нима қилсангиз ихтиёрингиз,- деди. Мен эса чўнтагимдаги, унинг бармоқларига тақиб кўриш учун олиб келган никоҳ узугимни олиб унинг башарасига отиб юбордим-да, ҳовлидан чиқиб кетдим.

- Бу воқеани онангиз билдими?

- Айтишга сира тилим бормайди. У касалванд бўлиб қолган бўлса.. Йигит кишининг бошига бундай ишлар тушса қадди букилиб қоларкан. Икки кундирки томоғимдан овқат ўтмайди. Диларомга уйлансам уларнинг қариндошлари, ўзимизникилар олдида шарманда бўлсам, уйланмасам...

Энди қандай йўл тутишга ҳайронман. Дилромга-ку уйланмайман. Аммо учинчи гал ҳам мени алдашса нима қиламан? Уйланмасам онам бечорага қийин. Наҳотки бир оқила қизни учратиб, бахтли бўлиш насиб этмаса?

Шундан сўнг у кетди. Мен йигитга ачиндим. Ким билади, агар Анвар Дилромга уйланса, иккиси ҳам қилган хатоларидан хулоса чиқариб яшаб кетишармиди? Бу йигитга сизлар қандай маслаҳат берасизлар, азиз мухлислар?

БАСИРА

СИГИРГА ТУЗ БЕРИБ...

Кулоққа чалинган гап

Автобусда икки йигитнинг ўзаро суҳбати қулоғимга чалинди:

- Жўра, ўша куни уйингга қўнғироқ қилсам бозорга кетди, дейишди. Молпол олдингларми?

- Ҳа, боқилган қўчқорларимиз бор эди-ку, ана ўшаларни сотмоқчи эдик. Шунга бир нарх-навони билиб келай, дегандим-да. Кейинги бозорга олиб чиқсак керак.

- Энди сенга бир гапни айтаман. Бозорга олиб чиқишдан бир кун олдин туз бериб чанқатгин. Кетаётиб эса роса сув бер. Кечқурун жунини совунлаб ювгинда, сал тоза бўлгандан кейин яримта шампунни қуйиб, роса ишқала. Жунлари шамолда кўтарилиб, тирсиллаган молга айланади қолади. Қарабсанки, бозорнинг олди тўй қўчқорлари сеники бўлади.

- Эсингдами, ўтган йили синглимни узатдик. Отам тўйга ишлатиш учун ола сигиримизни сотмоқчи бўлди. Бир кун олдин кечқурун, сен айтгандек, сигирга роса туз ялатдим. Албатта буни отамга билдирмадим. Сигир жонивор эрталабгача шунақа чанқадики. Тўрт челак сувни кўрдим, демай ичиб юборди. Сўнг тонгда мол бозорга жўнадик. Мен орқадан уни ҳайдаб йўлга тушганмиз. Отам ортига қараб-қараб: "Жўра, бу дейман, сигир анча етилибдида-а! Жониворнинг семизлигини қарагина-а?" - деб қўяди.

Шу куни сигиримиз бозорнинг олди моли деб баҳоланди. Айни савдо пишганда отам айниди.

- Йўқ, сотмайман. Яна бунақа сигир топаманми, йўқми?- деб уйга қайтариб кетдик. Отамнинг феълини биласан-ку.

Шу десанг уйга олиб келганимиздан сўнг бўлди ҳангома. Сигир сира овқат емайди, фақат сув ичади. Жониворнинг кўзидан нукул худди одамникидек ёш оқади-да. Кейин нима қилганимни отамга айтишга мажбур бўлдим.

"Тур, жўна энди, молхонанинг ёнига йўлатмайман сени",-деб отам мени роса сўкди. Шу-шу мол боқишдан қутулдим.

Икки суҳбатдош мириқиб кулишди...

Ҳа, азизлар, мабодо бозордан мол олиш ниятингиз бўлса, юқоридаги ҳангомани бир эслаб қўйинг...

ГУЛБАШАКАР

ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА...

Муҳтарам дўмбирободлик Маъмура муаллима! Мақолангизда бир савол ташлабсизки, муносиб жавоб топиш истагида кўп мулоҳазаларни эсимга солдингиз. Олти нафар паҳлавондек ўғилларнинг онаси, бир-биридан хушрўй 6 келиннинг қайнонаси, юзлаб болаларни ўқитиб, уларга ота-онаси қаторида тарбия берган фидокор устоз. Ўқувчиларингизга берган минглаб саволларингизга монанд яна бир залворли саволни ўртага ташлабсиз. Бу ҳақда нуфузли газетамиз "Оила ва жамият"га мурожаат қилибсиз. У ғамхўр ва танти газета, сизга мувофиқ жавоб топиб беришига шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади.

Мен эса 5 келин олган отамни ва 5 куёв қилган ўзимни сизнинг ўрнингизда тасаввур этиб кўрдим. Мақолани қайта-қайта ўқиб, отамнинг 5 ўғлини уйлантиришда моддий жиҳатдан мушкулига унинг чорвага бўлган миришкорлиги кушойиш берганлигида деб ўйладим. Беш ўғилга беш сигир, оралиқ харажатларни қоплаш учун 30-40 майда мол ҳар йили парвариш топарди ва шу билан боғлиқ бўлган ташвишлар тўйнинг асосий харажатларини таъминларди. Отамнинг бу тадбиркорлиги барча ўғилларига юққан. Ўзим эса чиқарган беш қизимнинг тўйини турмуш ўртоғим билан ўқитувчиликдан орттириб топганларимизга суяниб ўтказдик. Сўнгра эса сабр-қаноат, борига шукр қилганлигимиз далда бўлди. Атаганларимиз хайрли мақсадларга бағишланиб, уларнинг баракасини таъминлади. "Қизнинг жони қирқта бўлади", - дейди кўпни кўрган донишмандлар. Беш қизнинг олдин-кетин камолотга эришувида, уларнинг чидамли эканлиги, унча-мунча касалликларга чалинмаганлиги, оғирчилик-қийинчиликларга бардошли бўлиши - бизнинг омадимиз бўлди. Бунда албатта қизларимнинг ойижонларининг хизмати беқиёс. Ҳаммаларини уйли-жойли, ўзига тинчиган, эл-юрт корига яроқли мутахассислар бўлиб етишишида кўз-қулоқ бўлдик. Ҳозирги пайтда 13 неварам бир йўла жам бўлганда ҳовлимизда тўй бўлиб, қий-чувларга, хурсандчиликларга тўлиб кетади. Ўтган-қайтганларни эслаб, руҳларига дуо қилиб ўтирамиз. 8 нафар ўғил неварамнинг суннат тўйларини қадрдонлар билан баҳам кўрдик.

Тўй аслида ҳаётимиздаги унутилмас кунлардан, миллатга хос покиза урф-одатлардан. Тўй деганда, оммавий хурсандчиликни, ўзбекона эҳсону савобни англаймиз. Тўйда миллатнинг руҳи, маънавияти, ўзига хос хусусиятлари ярқ этиб кўзга ташланади. Тўйда асл урф-одатлардан баҳра олиб, анъаналарининг бардавомлигидан фахрланиб, халқимизнинг чиройли тилакларини келажак авлодларга сингдиришга ҳисса қўшишга, юракларга лаззат бағишловчи ашулаларни тинглашга нима етсин. Тўй қилган ҳам, тўйга келган ҳам ҳузур қилади, маънан бойийди, хайр-саховатга меҳр қўяди. "Тўй - ҳудонинг хазинаси", дейди доно халқимиз. Хазина - ўғиллининг ўғлидан, қизлининг қизидан қайтади. Бошқаларнинг тўйига тўёналар қилиб борган одамнинг ўзи ўғил уйлантирса, қиз узатса, урф-одатга кўра, у одамлар ҳам тўёна қилиб келадилар.

Муҳтарама Маъмура муаллима, иккита қиздан кейин, учинчи туғилган ўғил набирангизнинг суннат тўйини имконини топиб ўтказасиз деб қатиқ ишонамиз. Тўйни қандай ўтказиш масаласига келсак. Тўй кўпчилик билан ўтадиган маросим. Тўйга ҳар хил одамлар келишади, улар билан бўладиган муомалада ҳар хил гап-сўзлар бўлиши, дастурхонда у-бу нарса етишмай қолиши, натижада гина, ўпка қилишлар эҳтимоли бор. Бу табиий ҳол. Шунинг учун бундан хафа бўлиб юрманг деб тасалли бермоқчимиз. Мана бу мақолларга бир эътибор беринг-а: "Тўйликнинг тўйи ўтар, тўйсизнинг куни", "Тўй устига тўй бўлсин, бало-қазо йўқ бўлсин". Қалай, маъқулми?

Тўй бошлашдан олдин мен болаларимни маслаҳатга чорлайман. Ҳар ким ўз имкониятларини айтади. Биргаликда ҳамма мушкулотларнинг ечими топилади. Кенгашли тўй тарқамас, деб шуни айтсалар керак. "Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди", дейди доно халқимиз. Нор йўлида юк қолмас. Қушни осмонда тутиб турадиган қаноти ва қуйруғи. Яъни қуш қаноти билан учади, қуйруғи билан тушади. Қаноти ёрдамида учган қуш қўнаётиб қуйруғига таянади. Киши мушкул ҳолда қолганда фарзандлари, ёр-биродарлари, дўстлари асқотади, кўмаклашади. Улардан мадад кутади.

Ҳурматли Маъмура муаллима, сизнинг забардаст фарзандларингиз, мўмин-қобил келинларингиз, паноҳига олган турмуш ўртоғингиз, чинакам ёр биродарларингиз, суянса бўладиган шогирдларингиз борлигига шукр қилинг. Ана ўшалар сизнинг букилмас қанотларингиз. Нор йўлида юк қолмас таянчларингиз. Сиз уларга тортинмай мурожаат этинг. Бунинг ёмон ери йўқ.

«Ўғлим хурсанд бўлсин, қудам, келиним ранжимасин", деб қўлингиздан келганидан ошиқча, бор йиққанингизни аямай сарф-харажат қилишингизни хоҳламайман, албатта. Яна ўзимдан мисол келтирай. Қудаларимдан баъзилари икки ўртада бўладиган харажатларга унча бош қўшмаганлари ҳам бўлди. Бу мени бироз ранжитган эсада: "Қизим тушган ерида зорланиб юрмасин", деб дамимни чиқармай, аламимни ичимга ютиб келаяпман. Ҳозиргача: "Тўйда қудам мени толиқтирмади, имкони борича қўл қоқиштириб юборди", деб мақтанаяпман. Беш қиз чиқардим. Қизларим беш жойдан туриб ҳар куни барча икир-чикирларимга қарашиб келаяптилар.

"Тўйликнинг тўйича ташвиши бор", дейишади. "Қанчадан-қанча ишим битмаган", деб ташвишга тушаверманг, ҳурматли Маъмура муаллима. Тўйнинг қистови тиғизлаб келиши баҳонаси билан битмаган чала ишлар ҳам битиб кетади. Тўй тамизи тўйчидан. Тўй тегишлиники ҳисобланади. Қаттиқ ташвишга тушиб, "қандай ўтаркан, етишмовчилик бўлиб, уялиб қолмасмиканман", деган хаёлларга бориб, ич-ичингизни еб юришингизни тушунса бўлади. Аммо тўйнинг боши бошлангунча. Ўзи шундай бўлади ҳам. Тўй то бошлангунча оғир бўлиб туюлади, бошлагандан сўнг, ишлар ўз-ўзидан юришиб кетади. Ишни тегишли қадрдонларингизни маслаҳатга йиғишдан бошланг. Уларга юмушни топширинг. Ўқимишли, лавозимлари ўзларига ярашиб турган ўғилларингизнинг: "Майли, онажон, тўйини ўтказиб берайлик",- деб берган далдаларига суянинг. Мени ҳам катта акам уйлантирган. Бу анъана. Ҳаётингизда сабр-тоқатли, чидамли, қаноатли бўлиш - беш паҳлавонингизни уйлижойли, ўқимишли қилишингизда бунинг қандай ажойиб фазилат эканлиги намоён бўлади. Ҳурматли Маъмура муаллима, руҳингизни тетик тутинг. Чунки руҳи тетикнинг - иши тетик. Ҳаммавақт руҳини тетик, кайфиятини яхши тутганлар, ҳушчақчақ бўлиб юришга ҳаракат қилганларнинг иши юришиб кетаверади, сиҳат-саломатлиги жойида бўлади, ҳам ҳамманинг кўзига яхши кўринади.

Икки қиз, бир ўғилли кичик ўғилга айтадиганларимиз бор: "Рўзғор тушди бошга, қўл тегмади ошга", дейдилар. Рўзғори каттанинг ташвиши ҳам катта. Муҳтарам ота! Уйга уй бўйи уйсанг ҳам оз. Уч яшар эркатой ўғилнинг суннат тўйини ўтказиш керак. Бу билан рўзғор "тебратиш" осон эмаслигини қайд этиб, сизга тегишли бўлган ташвишни бўйнингизга олиш кераклигини эслатмоқчимиз. Ғамхўр онангиз ва отангиз сизни уйлантириб, тўй эстафетасини қўлингизга тутқазган. Энди навбат сизники. Бу қайтар дунё. Ота-боболаримиз яхши ният, яхши тилак билдирганларида "Ош берганга ёш берсин, қозон тўла ош берсин, кетмас давлат, кенг феъл, ёстиқ тўла бош берсин", деб дуо қиладилар.

Тўйни ортиқча дабдабадан ҳоли, ихчам, эсда қоларли тарзда ўтказиш тарафдоримиз. Бундай тўйларда меҳмонлару мезбонлар, дўсту қадрдонлар дийдорлашадилар. Ажойиб гурунглар, ширин ҳангомалар, ўзбекона лутф, мазмунли қўшиқлар тинглашиб мириқадилар.

21.05 Омон бўлинг!
21.10 **"Зерда". Сериал.**
22.00 Давр.
22.30 Мафтунингман!
22.45 Жаҳон киноси: "Шоушенкдан қочиш".

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 "Салом,Тошкент!"
8.35 "Гвадалупе".
9.15 "Телекурьер-маркет".
9.30 "Австралиянинг ёввойи табиати".
10.20 "Саньат гулшани"
10.40 "Юртим жамоли".
11.25 "Қўрқмас ва довюраклар". Телесериал /рус/.
11.55 "Интервью" /рус/
12.05 "Иқтисод - ревью"
12.20 "Эрудит" /рус/.
12.35-14.25 Кино:"Эмма".
X X X
18.00 "Афиша"./рус/
18.10 "Телекурьер-маркет"
18.30 "Пойтахт"
18.50 "Гвадалупе".
19.50 **"Саломат бўлинг".**
20.00 **"Пойтахт"**
20.20 "Эрудит" (рус).
20.35 "Қўрқмас ва довюраклар". Телесериал /рус/.
21.05 "Репортаж" /рус/.
21.15 "Жозиба"
21.30 "Пойтахт"
21.50 "Телекурьер-маркет".
22.10 "Юрт қадри"
22.30 "Пойтахт"
22.50 Кино. "Самодаги пойгалар" 1-2 қисмлар. /рус/.

7.00 "Бардам бўлинг".
8.00 "Хабарлар" (рус)
8.20 "Болалар спорти".
8.35 Мультфильм.
9.00 "Хабарлар" (ўзб)
9.20 "Снукер".
10.00 Детективлар.
10.35 Ринг.
11.05-11.50 "Ўрта ер денгизи". Сериал.
***
16.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Локомотив"-"Андижон". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
18.20 Мультсериал.
18.30 "Хабарлар" (рус тилида)
18.55 "Энг қувноқ концерт".
20.00 "Вести".
20.25 "Мўъжизалар майдони".
21.30 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
21.50 "Оилавий бахт". Бадиий фильм.
23.20 Еврофутбол. УЕФА кубоги.
01.55 "Тунингиз осуда бўлсин!"

TV-MARKAZ

12.00 Марказ NEWS (узб.)
12.15 Мировые хиты
13.00 Марказ NEWS (рус.)
13.15 Узбек наволари
14.00 «Юлдузли пайшанба»
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Мировые хиты
16.30 ПРЕМЬЕРА! (рус.)
16.50 Узбек наволари
17.00 «Судьбы»
17.30 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.15 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.15 Сериал «ЗВЕЗДОЧЁТ» 5-серия
20.15 КУЛГИ МАРКАЗИ
21.00 Узбек наволари
22.00 Худ. фильм «ПРОПАВШАЯ»
00.45 Миксер

4.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Сестры по крови».
9.00 «Узкий мост». Многосерийный фильм
10.10 «Малахов +»
11.00 Новости
11.30 «Лолита. Без комплексов»
12.25 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Контрольная закупка»
14.00 Новости (с субтитрами)
14.15 Вне закона. «Донские рабыни»
14.50 «Любовь как любовь».
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.15 «Пусть говорят» с Андреем Малаховым
18.00 «Поле чудес»
18.55 Премьера. «Сестры по крови». Многосерийный фильм
20.00 Время
20.25 Бенефис Юрия Гальцева и Елены Воробей
22.45 Премьера. Комедия «Брис Великолепный»(2005 год)
0.30 Что? Где? Когда?
1.50 Кристофер Ламберт в фильме «Убить священника»
2.00 Время
2.25 Фильм «Убить священника». Продолжение
4.05 «Русская звезда Голливуда». Документальный фильм

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.45 «Мой серебряный шар. Франсуаза Саган». Ведущий - Виталий Вульф.
8.45 «Мусульмане».
9.00 Анна Ковальчук в детективном сериале «Тайны следствия».
10.00 ВЕСТИ.
10.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10.50 Анна Ковальчук в детективном сериале «Тайны следствия».
11.50 «ХА». Маленькие комедии.
12.05 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
12.30 «Вся Россия».
12.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13.40 «Суд идет».
15.00 «Кулагин и партнеры».
15.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
16.00 ВЕСТИ.
16.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16.40 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
17.40 «Волчица». Телесериал.
18.35 «Зеркало».
18.50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
19.00 ВЕСТИ.
19.45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
20.05 «Спокойной ночи, малыши!».
20.15 ПРЕМЬЕРА. «Кривое зеркало. Театр Евгения Петросяна».
22.25 ПРЕМЬЕРА. Клуб «Театр + ТВ». «Дебют».
0.20 ПРЕМИЯ БРИТАНСКОЙ КИНОАКАДЕМИИ. Хелен Хант и Билл Пакстон в фильме-катастрофе «Смерч»
2.40 «Дорожный патруль».
2.50 «Закон и порядок» (США).
3.35 Телесериал «Гора» (США). 2004г.
4.20 Канал «Евроньюс» на русском языке.

ШАНБА 30

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!".
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
8.45 "Ҳидоят сари".
"Болалар сайёраси":
9.05 1. "Олтин тож". Телеўйин.
2. "Чининнинг саргузаштлари". Мультсериал.
10.00 "Шифокор қабулида".
10.25 ТВ анонс.
10.30 "Оналар мактаби".
10.50 1. "Чинсен". 2."Маврид".
11.30 "Хазонрезги". Телесериал.
12.05 "КиноТеатр".
12.25 "Биз буни ўтмаганмиз". Бадиий фильм.
13.55 Ватан ҳақида қўшиқлар.
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
15.20 "Меҳр кўзда".
"Болалар сайёраси":
16.00 1. "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
2. "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
17.20 ТВ анонс.
17.25 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили. "Саломатлик сирлари".
17.45 "Оҳанглар оғушида".
17.50 Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан. "Одамлардан бири".
18.10 "Минг бир ривоят".
18.15 "Рамазон туҳфаси".
18.35 Олтин мерос.
18.40 "Лафз". Телесериал.
19.10 ТВ анонс.
19.15 "Суперлото". Телелотерея.
19.20 "Сизнинг адвокатингиз".
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.05 "ТВ шифокор".
20.10 "Навобахш". Ток-шоу.
21.00 "Ахборот".
21.40 Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт ("Туркистон" саройидан ёзиб олинган)
22.40 "Айтмасанг ҳам биламан". Бадиий фильм. 1-қисм (Ҳиндистон).

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 **"Зерда". Сериал.**
8.40 Анонс.
8.45 Минг бир чўпчак: "Рикки-Тикки-Тави".
10.00 Давр.
10.15 Анонс.
10.20 Интерфутбол.
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 Хазина. 6-қисм.
13.30 Бола тилидан.
14.00 Жаҳон киноси: "Пахмоқ ота".
15.40 Кино-SMS.
15.45 Ойдин орзули одамлар.
16.00 Давр.
16.15 **Миллий кино: "Ганг дарёсининг қизи".**
17.25 Қўшқулоқ.
17.45 Устозим...
17.50 "Камолот" хабарлари.
18.00 Каталог.
18.10 ДаврА.
18.40 Ўқитувчи ва мураббийлар кунига: "Таъзим".
19.00 Давр.
19.30 Эълонлар.
19.35 **"Севги фариштаси". Сериал.**
20.20 Эълонлар.
20.25 Юлдуз билан...
20.55 Наво-SMS.
21.20 Оҳанрабо.
22.00 Давр.
22.30 Мафтунингман!
22.45 Эркин Комилов юбилейи.
23.45 "Моя мечта". Дунё таомлари.
00.15– 00.20 Орзулар бекати.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.25 Кўрсатувлар тартиби
7.30 **"Салом,Тошкент!"**
8.30 "Анонс".
8.35 "Гвадалупе". Телесериал.
9.15 "Телекурьер-маркет".
9.30 "Австралиянинг ёввойи табиати". Ҳужжатли телесериал.5-қисм
10.20 "Дилкаш наволар": М.Асалхўжаева.
10.45 "Саломат бўлинг".
10.55 "Анонс".
11.00 Мусиқа SMS.
11.20 "Юрт қадри"
11.40 "Репортаж" /рус/.
11.50 "Кўркмас ва довюраклар". Телесериал /рус/.
12.20 "Афиша" /рус/.
12.30 "Анонс".
12.35 "Эрудит" /рус/.
12.50-16.00 Кино: "Самодаги пойгалар" 1-2 қисмлар /рус/.
X X X
17.55 Кўрсатувлар тартиби
18.00 "Афиша"
18.10 "Телекурьер-маркет".
18.30 "Пойтахт"
18.45 "Гвадалупе". Телесериал.
19.45 "ИИВ хабарлари".
20.00 **"Пойтахт".**
20.15 "Анонс".
20.20 "Эрудит". (рус).
20.35 "Камин олдида суҳбат"/рус/
21.05 "Интервью".
21.15 "Жозиба".
21.30 "Пойтахт"
21.50 "Телекурьер-маркет".
22.10 "Кино мўъжизалари". Илмий - оммабоп фильм /рус/.
22.30 "Пойтахт".
22.50 Кино: "Ниқоблар" /рус/.

SPORT TV

7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бардам бўлинг".
8.50 "Хабарлар" (рус тилида)
9.10 "Смак".
9.30 "Фазенда".
10.00 Рақибингиз гроссмейстер".
10.20 Аёллар футболи. Ўзбекистон чемпионати "Андижанка"-"Севинч".
11.00 "Военное дело".
11.20 "Кўнгил-кўнгилга пайванд".
12.10 "Опекун". Бадиий фильм.
13.40-14.30 Енгил атлетика.
***
18.00 "Болалар спорти".
18.20 Мультфильм.
18.30 "Хабарлар" (рус тилида)
18.50 "Мониторинг".
19.20 Самбо. Жаҳон чемпионати.
20.00 "Вести".
20.20 "Иқтидор".
21.10 "Спорт - менинг хаётим".
21.30 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
21.50 "Мусиқий марафон".
22.30 "Катта пойга".
23.50 Еврофутбол.

TV-MARKAZ

12.00 TOTAL NEWS (узб.)
12.20 Узбек наволари
13.00 TOTAL NEWS (рус.)
13.20 Узбек наволари
13.30 «ТОП-20»
14.15 КУЛГИ МАРКАЗИ
14.30 ПРЕМЬЕРА! (узб.)
14.50 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Узбек наволари
16.30 «Очил дастурхон»
17.00 Узбек наволари
17.30 «Юлдузли пайшанба»
18.00 TOTAL NEWS (узб.)
18.20 Узбек наволари
19.00 TOTAL NEWS (рус.)
19.20 Сериал «ЗВЕЗДОЧЁТ» 6-серия
20.20 Узбек наволари
22.00 ИНДИЙСКОЕ КИНО
24.00 Узбек наволари
00.30 «Миссия неповторима»

ОРТ

5.00 Новости
5.10 Гении и злодеи. «Раба любви. Вера Холодная»
5.45 Кирилл Лавров в фильме «Стакан воды». 1-я серия
7.00 «Юрий Сенкевич. Неизвестное путешествие». Документальный фильм
8.00 «Слово пастыря»
8.15 «Здоровье»
9.00 Новости
9.10 «Смак»
9.30 «Фазенда»
10.00 Премьера. «Море. Любовь. Кино». Документальный фильм
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 Премьера. «Боги и демоны». Фильм 1-й
12.10 Георгий Вицин в комедии «Опекун»
13.40 «Неравный брак». Д/ф
14.45 Константин Хабенский в фильме «Женская собственность»
16.25 Субботний «Ералаш»
17.00 Вечерние новости.
17.10 Премьера. «Смешные люди»
18.40 «Большие гонки»
20.00 Время
20.20 Премьера. «Звезды на льду»
22.15 Премьера. «Высшая лига»
23.30 Майкл Китон, Энди Гарсиа в триллере «Отчаянные меры»
1.10 Сальма Хайек в комедии «Поспешишь-людей насмешишь»
3.05 «Дефективный детектив»
3.50 «Подводный мир Андрея Макаревича»
4.15 «Здоровье»

РТР

5.00 «Доброе утро, Россия!».
7.00 ВЕСТИ.
7.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
7.20 «Военная программа» Александра Сладкова.
7.45 «Утренняя почта».
8.20 «Субботник».
9.00 «Вокруг света».
10.00 ВЕСТИ.
10.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10.20 «Сто к одному». Телеигра.
11.15 «Комната смеха».
12.15 «Клуб сенаторов».
13.00 ВЕСТИ.
13.20 РОДНОЕ КИНО. Александр Феклистов, Сергей Гармаш, Дмитрий Брусникин и Александр Песков в фильме Алексея Симонова «Отряд». 1984г.
15.00 «Национальный интерес». Ток-шоу Дмитрия Киселева.
15.55 «Формула власти. Королева Дании Маргрете II».
16.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. НЕДЕЛЯ В ГОРОДЕ.
17.00 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
17.30 «Честный детектив». Авторская программа Эдуарда Петрова.
18.00 ПРЕМЬЕРА. «Спартак Мишулин. Умеющий летать».
19.00 ВЕСТИ.
19.20 «Танцы на льду. Ваш выбор».
19.55 «Субботний вечер».
21.50 МИРОВОЕ КИНО. Жан Рено в триллере «Багровые реки-2»
23.50 Том Сайзмор, Дэниэл Болдуин и Мел Гибсон в остросюжетном фильме «Папарацци» (США). 2004г.
1.40 «Горячая десятка».
2.35 НОЧНОЙ СЕАНС. Комедия «Герцоги Хаззарда: Голливудская суета» (США). 2000г.
4.00 Канал «Евроньюс».

ЯКШАНБА 1

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ.

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.40 Олтин мерос.
8.50 "Эҳсон". Теленовелла.
"Болалар сайёраси ":
9.10 **1.** "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа. **2.** "Болаларга бахшида умр".
10.30 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили. "Саломатлик сирлари".
10.55 "Устоз". Видеофильм.
11.15 Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
12.05 "Заковат".
13.05 "Меҳрим сен билан". В/ф
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!"
15.20 "Оддий ҳақиқатлар".
16.10 Ватан ҳақида қўшиқлар.
16.15 "Бир ҳарф ўргатмиш ранжила ... "
"Болалар сайёраси":
16.35 "Олтин тож". Телеўйин.
17.10 "Қалпоқ". Ҳажвий кўрсатув.
17.45 "Одами эрсанг".
18.05 "Минг бир ривоят".
18.10 "Рамазон туҳфаси".
18.30 "Олтин мерос".
18.40 "Интеллектуал ринг".
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "50х50". Ток-шоу.
21.00 "Таҳлилнома".
21.45 "Ҳаёт давом этади".
22.05 "Тилаклари ойдин қизлар". Ҳамшира-206.
23.15 "Айтмасанг ҳам биламан". Бадиий фильм. 2-қисм

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Оҳанрабо.
8.40 Давр-репортаж.
8.50 "Камолот" хабарлари.
9.00 "Ватанпарвар" дастури.
10.00 Journal.
10.20 Таъзим.
10.40 Устозим...
10.45 Қилни қирқ ёриб...
11.30 ДаврА.
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Миллий кино: "Темир хотин".
15.10 Ринг қироллари.
16.00 Чемпион сирлари.
16.20 Миллий кино: "Икки дил достони".
17.55 **"Устозим "**
18.00 Ўқитувчи ва мураббийлар куни: "Мухлис-шоу".
18.40 Дилрабо наво.
18.55 Оқшом қўнғироқлари.
19.00 Давр ҳафта ичида.
19.**30 "Эълонлар"**
19.35 **"Севги фариштаси". Сериал.**
20.20 "Ошуфта". Азиза Ниёзметова.
20.50 Ўқитувчи ва мураббийлар куни: "Илдиз ва япроқ".
21.30 CINEMANIYA.
22.00 Миллий кино: "Муҳаббатимсан".
23.45 – 23.50 Орзулар бекати.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 **Салом,Тошкент!"**
8.35 "Гвадалупе". Телесериал.
9.15 "Телекурьер-маркет".
9.30 "Австралиянинг ёввойи табиати".
10.25 "Интервью".
10.35 Устоз ва мураббийлар кунига. ."Сизга таъзим устозлар".
11.25 "Афиша".
11.55 "Ҳашоратлар".
12.25 "Устоз ҳақида сўз" /рус/.
12.45 "Камин олдида суҳбат"
13.20 "Эрудит" /рус/.
13.35 Кино "Буюк Мерлин". 1 -2 қисмлар /рус/.
16.55 "Мулоҳаза учун мавзу".
17.25 "Нима учун?".
18.00 Мультфильм. "Покахонтас".
18.30 "Телекурьер-маркет".
18.50 "Дилкаш наволар": Равшан Комилов
19.20 Кино: "Севги сароблари".
20.50 "Репортаж".
21.05 "Телекурьер-маркет".
21.25 "Жозиба".
21.50 "Эрудит". /рус/.
22.05 "Туризм ҳақида"./рус/.
22.35 "Омадли жентельменлар "Б/ф

SPORT TV

7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бардам бўлинг".
8.50 "Хабарлар" (рус тилида)
9.10 "Йўлда ёзилмаган қайдлар".
9.25 "Ҳамма уйдалигида".
10.20 "Аралаш".
11.00 "Қувноқ стартлар".
11.40 "Соғлом оила".
12.10 Бокс.
12.35 "Байрам табриги".
12.40 "Дорихона эшитади".
13.25 "Катта танаффус". Б/ф
15.25 "Мураббий".
15.40 "Байрам табриги".
15.45 Футбол. Ўзбекистон чемпионати "Трактор"-"Насаф".
16.35 "Катта танаффус". Б/ф (давоми)
18.30 "Версия".
19.00 "Спорт уик-энд".
19.40 "Тақдир чизгилари".
20.00 "Вести".
20.20 "Байрам табриги".
20.25 "Кто нас вўводит в мастера".
21.30 "Талқин".
22.00 "Юлдузлар муз устида".
23.20 "Байрам табриги".
23.25 Самбо. Жаҳон чемпионати.
00.05 Еврофутбол "Манчестер Юнайтед"-"Ньюкасл".

TV-MARKAZ

12.00 TOTAL NEWS (узб.)
12.20 Узбек наволари
13.00 TOTAL NEWS (рус.)
13.20 Узбек наволари
14.00 Мировые хиты
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Узбек наволари
17.00 TOTAL NEWS (узб.)
17.20 «Очил дастурхон»
17.50 Узбек наволари
18.00 TOTAL NEWS (рус.)
18.20 Узбек наволари
19.00 Спецрепортаж
19.20 Мировые хиты
20.00 Узбек наволари
21.00 «ТОП-20»
21.45 КУЛГИ МАРКАЗИ
22.00 Кино-SMS:
1. Худ. фильм «ФОРСАЖ»
2. Худ. фильм «УГНАТЬ ЗА 60 СЕКУНД»
3. Худ. фильм «В ПАСТИ У ЗВЕРЯ»
00.40 ПРЕМЬЕРА! (рус.)

ОРТ

5.00 Новости
5.10 «Шутка за шуткой». Юмористическая программа
5.45 Алла Демидова, Кирилл Лавров в фильме «Стакан воды». 2-я серия
7.00 Искатели. «Якутский дьявол»
7.45 «Армейский магазин»
8.15 «Играй, гармонь любимая!»
9.00 Новости
9.10 «Непутевые заметки» с Дмитрием Крыловым
9.25 «Пока все дома»
10.20 Воскресный «Ералаш»
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 Премьера. Светлана Сорокина в документальном сериале «Русские». Фильм 3-й
12.10 Премьера. «Пленка все стерпит. Киноляпы»
13.00 Жан-Клод Ван Дамм в фильме «Взрыватель»
15.00 Футбол. Чемпионат России. «Москва»-«Спартак»(Москва). Прямой эфир. В перерыве - Новости (с субтитрами)
17.00 «Времена» с Владимиром Познером
18.10 Премьера. Елена Захарова в фильме «Вернуть веру» (2006 год)
20.00 Воскресное «Время». Информационно-аналитическая программа
20.45 Премьера. «Ангелы Чарли: Только вперед» (2003 год)
22.30 Премьера. Джон Кьюсак в детективе «Идентификация» (2003 год)
0.05 Фильм Александра Кайдановского «Жена керосинщика»
1.50 Сериал «Мертвая зона»(2002 год)
2.35 «Пока все дома»
3.15 Звезды эфира. «600 секунд. Александр Невзоров» Ст. редактор Вильчицкая Т.А. Тел. 540-55-86, 24-11

РТР

4.50 Николай Смирнов в фильме «Арифметика любви». 1986г.
6.20 «Здоровье».
6.30 «Сельский час».
7.00 ВЕСТИ.
7.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
7.20 «Диалоги о животных».
7.55 «Вовка на тридевятом царстве». «Свинья-копилка». Мультфильмы.
8.20 Станислав Любшин, Марина Зудина, Алексей Серебряков, Виктор Павлов, Валентина Теличкина, Нина Русланова, Вячеслав Невинный и Наталья Назарова в фильме «Забавы молодых». 1987г.
10.00 ВЕСТИ.
10.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10.20 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
10.50 «Сам себе режиссер».
11.45 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
12.15 «Парламентский час».
13.00 ВЕСТИ.
13.20 «Фитиль №102». Сатирический тележурнал.
14.10 ПРЕМЬЕРА. «Смеяться разрешается». Юмористическая программа.
16.05 ПРЕМЬЕРА. «Форт Боярд».
17.45 ПРЕМЬЕРА. «Танцы на льду».
19.00 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ с Сергеем Брилевым».
20.00 «Специальный корреспондент».
20.25 Богдан Ступка в фильме «Три полуграции». 2006г.
23.00 Майкл Дуглас, Гвинет Пэлтроу, Вигго Мортенсен и Дэвид Суше в триллере «Идеальное убийство» (США). 1998г.
1.10 Мэтт Диллон в комедии «Служащий месяца» (США). 2004г.
3.00 ПРЕМЬЕРА. Телесериал «Взгляды" (США). 2005г. до 2.41

Газетхонларимиз ижодидан

Ушбу шеърлар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситаларини ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди тавсияси билан чоп этилмоқда.

КЕЛМАДИНГ

Юрагимга кузги хазонлар тўлди,
Дилни асир этди қайғу, билмадинг.
Яшнаган ишқ боғим охири сўлди,
Қучоқ очди ҳижрон, сен-чи, келмадинг.

Кутдим. Кутмоқдаман интизор ҳамон,
Қувончни алмашиб фироқ оҳига.
Орзулар ўрнини эгаллаб армон,
Ногаҳон йўлиқди ишқ гуноҳига.

Бепарво ўтасан, сўзсизгина жим,
Мен-чи, ёлвораман сўқир тақдирга.
Қани бир бор этса истагим вожиб,
Иқбол кулиб боқса кўнгли фақирга.

У ҳам деразамни чертмади нетай,
Пешвоз чиқди фақат ишқнинг сароби.
Вафо қўлларидан тутгандим атай,
Сен қайноқ севгимнинг совуқ шароби.

МУҲАББАТ ДАШТИДА

Муҳаббат даштида товоним куйди,
Телба бўлди кўнгил ишқ саҳросида.
Хижронлар бошимдан ёмғирин қуйди,
Висол ардоқланди кўз қаросида.

Вафога айтилди охирги тилак,
Энг сўнгги каломлар "Алвидо!" бўлди.
Тақдир ўйинида жон берган юрак,
Ишонч қўлларида хазондай сўлди.

Соғиниб баҳорин кутганди, эссиз,
Ногоҳ қарши олди аёз-қаҳратон.
Ўша сўқмоқларда биздан қолган из,
Уларни кулганча супурар армон.

Эртаклар тугади, тингланди бари,
Қўшиқлар куйланди маъюс ва маҳзун.
Узилди меҳрнинг умидли тори,
Қисматнинг қўллари бунчалар узун?

Бугун кутишлардан чарчаган дилга,
Садоқат шевасин ўргатди ҳаёт.
Энг олий тақдирдек ҳукми одилга,
Бош эгди ғурур ҳам урганча фарёд.

СИЗ УЧУН

Сиз учун,
Дунёда армондан кечиб яшайман,
Энг оғир дамда ҳам тураман кулиб.
Қисмат тугунларин ечиб яшайман,
Ғийбат тиконларин ташлайман юлиб.

Сиз учун,
Энг буюк севгини қиламан тортиқ,
Ўзга булбулларга қайрилмай бир бор,
Қадрлайман сизни ҳаммадан ортиқ,
Кўнглингиз кўшкига қўндирмай ғубор.

Сиз учун,
Меҳрингиз қошида битиб ашъорлар,
Вафо байтларини ўқийман такрор.
Йўлимни тўсса ҳам юз минг маккорлар,
Асир айлолмайди нағмаси бекор.

Сиз учун,
Садоқат боғиға бўламан боғбон,
Унда гам гуллари боради сўлиб.
Яшайман бўлганча жонингизга жон,
Кулсангиз поёнсиз севинчга тўлиб.

Сиз учун,
Энди мен яшайман севгингиз учун...

Зилола АБДУЛЛАЕВА

НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?

БИТТА ЖОЙГА БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ИККИТА НАРСАНИ ЖОЙЛАШТИРИБ БЎЛАДИМИ?

Келинг, бир тажриба ўтказиб кўрайлик. Челак ёки тоғорани лиммо-лим қилиб сув билан тўлдиринг, сўнг унга бирор буюм, масалан, ичида суви бор оғзи ёпиқ елим идишни солинг. Шунда мана шу идишнинг ҳажмига тенг сув тошиб чиқади. Худди шунингдек, стол устида турган магнитафоннинг жойини яна бирор нарса эгаллаши мумкин эмас. Бунинг учун магнитафонни бошқа жойга суришимиз ёки нарсани унинг устига қўйишимиз мумкин, холос. Нарсанинг маконда эгаллаб турган жойи ҳажм дейилади.

РЕЗИНА НИМА УЧУН ЧЎЗИЛАДИ?



Резина буюмлар латекс деб номланадиган материалдан ясалади. У маълум бир турдаги ўсимликларнинг шарбати бўлиб, қайишқоқлик хусусиятига эга. Яъни букилганда, чўзилганда яна асл ҳолига қайтади. Унинг бу ҳоссаси эластиклик деб аталади. Резина буюмлар ўзининг дастлабки ҳолатини тиклай олмайдиган қаттиқ нарсалардан айнан шу хусусияти билан фарқ қилади.

ШАРБАТ ВА ЧАНҚОВБОСДИ ИЧИМЛИКЛАР СОЛИНАДИГАН ТУНУКА ИДИШЛАР НИМАДАН ЯСАЛАДИ?

Шарбат ва чанқовбосди ичимликлар латун ҳамда алюминийдан ясалган цилиндр шаклидаги идишларга қадоқланади. Латун металл эмас, балки мис ва рух металларининг аралашмасидир. Бу қотишма ўзининг енгил ва мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Алюминий ҳам худди шундай сифатларга эга. Улардан идиш ясаш учун шунчалик юпқа ҳолатга келтириладики, бемалол оддий қайчида кесиш мумкин бўлади. Улар енгил бўлганлиги ва ичидаги ичимликни тегишли ҳароратга риоя этилса, анча узоқ вақт сақлаши, ташиш, қайта ишлаш осонлиги боис ҳам озиқ-овқат саноатида қадоқ идиши сифатида кенг қўлланилади.

ШИША НИМАДАН ЯСАЛАДИ?

Шиша инсон томонидан кенг фойдаланиладиган материаллардан бири. Ундан деразалар учун ойна, турли идишлар ясаш мумкин. Шиша шаффоф бўлади. Махсус ишлов бериш натижасида у қуёш нурини ўтказмайдиган қора ёки бошқа рангга кириши ҳам мумкин. Уни маълум бир шаклда кесиш ниҳоятда қийин, аммо синдириш жуда осон. Оқ қум, калций карбонати ва оҳактош аралашмаси 1400-1500 даражагача қиздирилганда эрийди. Ана шу эритма совутилгач, шиша ҳосил бўлади.

ШИША ҚАТТИҚМИ ЁКИ ОЛМОС?

Табиатда "олмос"деб номланган жуда қимматбаҳо ва энг қаттиқ материал бор. Ундан турли тақинчоқ ва безак буюмларида фойдаланилади. Шунингдек, шишани кеса оладиган ягона материал ҳам айнан олмосдир. Шу боис ойна кесадиган махсус пичоқлар олмос бўлакчасидан ясалади. ўғлим. Шиша буюмлар ва ойна кескир бўлади. Уни ишлатишда эҳтиёт бўлинмаса лат еб қолиш ҳеч гап эмас.

БУЛУТЛАР НИМАДАН ПАЙДО БЎЛАДИ?

Қуёшнинг қиздириши натижасида кўл, дарё ва денгиз сувларининг буғланиши, ердаги намнинг кўтарилишидан, ҳайвонларнинг нафас олишидан ҳамда ўсимлик ва дарахтлар юзасида ҳосил бўладиган буғ осмонга кўтарилишдан булут ҳосил бўлади. Булут аслида ҳаводан енгил

бўлган майда сув томчиларидир. Ҳавонинг ҳарорати пасайганда мана шу томчилар бирикиб, йириклашади. Уларнинг вазни ҳаводан оғирлашиши билан ёмғир, қор ёки дўл шаклида ерга қайтиб тушади.

ДЕРАЗА ОЙНАЛАРИ НЕГА ТЕРЛАЙДИ?

Қиш фаслида одатда уй ва бинолар нинг деразалари шаффофлик хусусиятини бироз йўқотади, унинг юзини сув ёки муз қоплайди. Гарчи улардан ёруғлик тушиб турса-да, ташқари деярли кўринмайди. Бунга сабаб бино ичидаги иссиқ ҳаво ташқаридаги, дераза ойнасини музлатиб турган совуқ ҳаво билан тўқнашиши оқибатида юз берадиган конденсация ҳодисасидир. Яъни ҳаво совуқ таъсирида сув томчиларига айланади ва улар аста-секин музлаб, ойна юзини қоплайди.

ЎСИМЛИКЛАР, ДАРАХТЛАР НЕГА ХУДДИ ОДАМЛАРГА ЎХШАБ ЎСАДИ?

Дарахтлар, ўсимликлар ҳам тирик мавжудот. Улар ҳам худди одамларга, ҳайвон ва паррандаларга ўхшаб нафас олади, овқатланади. Шунинг учун ўсади, бир кун келиб қаригач эса қурийди. Дарахт ва ўсимликлар сув ва озуқани томирлари орқали ердан олишади. Мана шу озуқаларга қўшимча равишда барглари ёрдамида қуёш нуридан ҳам баҳра олиб, уларнинг бўйига бўй қўшилади. Озуқа ва қуёш нури етарли бўлмаса, дарахтлар ҳам, ўсимликлар ҳам яхши ўсмайди, қовжираб қуриб қолиши мумкин.

ҚОҒОЗ НИМАДАН ЯСАЛАДИ?

Ҳали қоғоз бўлмаган қадим замонларда одамлар ҳайвонларнинг терисига ёзишган. Кейинчалик Хитойда қоғоз ўйлаб топилган. Қоғоз асосан дарахтдан олинади. Бунинг учун заводда дарахт кесилганда чиқадиган қипиқлар(целлюлоза) сувда ивитилиб бўтқа тайёрланади. Сўнг унга тузли кислота ёки оқартирувчи восита ҳамда елим билан ишлов беришади. Мана шундай



қийин ва махсус жараёнлардан кейин биз ёзув-чизувда кенг фойдаланадиган қоғоз юзага келади.

НЕГА ДАРАХТЛАР ҚИШДА БАРГИНИ ТЎКАДИ?

Бунга сабаб кузда кунлар совий бошлайди. Оқибатда тупроқ ҳам совийди ва дарахт томирларининг ундан озуқа ва сув олиши қийинлашади. Қишда эса дарахт умуман озуқасиз қолади. Агар у куз фаслида барглари тўкмаса, танасидаги сув улар орқали буғланиб кетади ва дарахт қуриб қолади. Баҳорда кунлар исиши билан эса тупроқнинг намлиги ортиб, дарахт сувга ва озуқага тўйинади, натижада яна барг ёзади. Дарахтларнинг ҳаёти шу тарзда давом этади.

(Давоми бор)

ДАРМОН тайёрлади.

"АЖДАР"НИНГ ТАВБАСИ

Кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, ичадиган одам бир кунда роппа-роса уч марта ўзгаради. Эрталаб кўнглида ароққа нисбатан чексиз нафрат билан уйғонади. Пешинларга бориб нафрат ўрнини секин-секин лоқайдлик эгаллайди. Кечқурун эса чексиз нафрат оташин муҳаббатга айланади.

Эртасига ҳаммаси қайтадан бошланади. Уйғонсангиз, бошингиз ғум! Нафас олсангиз, ичингизга ҳаво эмас, олов кираётгандек. Оғзингиз, эринмасдан бир ҳовуч аччиқтош чайнагандек тахир! Қўлни айтинг, қўлни! Баайни иккинчи жаҳон урушида кантузия бўлган немис аскариники! Қулоқни қашлайман, десангиз кўзингизга кириб кетади! Биров "кеча нима овқат егандинг?" деб сўраса, "ўзимнинг отим эсимда йўғу, овқатни сўрайсан-а, номард" дегингиз келади...

Шу масалада омадим бор экан. Отим нималигини хотинхўжа ҳар куни бир мартадан эслатиб туради. Уйғонмасимдан бошим устида "меҳр тўла" овози янграйди:

- Азлар эмас, Аждар бу, Аждар! Ёши қирққа чиқиб ақли кирмаган ноинсоф, умримни хазон қилди! Учта бола нима еб, нима ичаяпти демаса, рўзғор ночорлигидан уйда сичқонлар ҳасса таяниб юрса. У ёқда кунора электрчи келиб чироғингни ўчириб кетаман, газчи келиб газингни қувурини кесиб ташлайман, деса... Бу Аждарнинг парвойи-фалак! Қизимизнинг бўйи етиб қолди, мундай одамларга ўхшаб бисот-мисот йиғаяпсанми онаси, дейиш ўрнига Худонинг берган куни бўкиб ичса! Ичавериб-ичавериб компьютери синиб қолган бунинг!

Булар - хотинхўжа бисотидаги энг "ширин" сўзлар. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ҳовлимиз ёз бўйи ари бозорига айланиб кетади. Ҳар қобоғариларки, учса, бомбардимончи айриплон кепқолдими дейсиз! Аммо улар бировни чақмайди. Аксинча, хотинхўжанинг тилидан "заправка" қилиш учун навбат кутиб туради! Хоҳлаган одамингиз билан бир эмас, икки яшик ароқдан гаров бойлашиб айтаманки, агар қарғиш бўйича мусобақа ўтказилса, бизнинг хотин Тошкентда эмас, бутун бошли Ўзбекистонда ҳам эмас, дунёда биринчи ўринни олади!

Ана, ўзингиз эшитиб кўринг.

- Бир йил ювилмаган пайтавадек ғижимланиб кетган тусингни ел есин! Туллаган итнинг думига ўхшаган мўйловинг узилиб тушсин! Бензовоз ҳиди анқиб турган оғзингга кўрғошин қуйилсин!

... Боши ғум бўлиб, кўнгли гум-гум кетаётган одамга ёқадими шу гаплар? Ётган жойимда луқма ташлайман (Гапни чалғитиш керакми, ахир?).

- Автодорожнийни битирганмисан, онаси, бензовозни қаёқдан биласан?

Хотинхўжа "одам гапирдими, мушук миёвладими" деб қайрилиб қарамайди. Аммо энди товуши жаранглаб чиқа бошлайди:

- Хумга қамалиб қолган аридек ғўнғиллаган овозинг ўчсин! Лайлакнинг инидек пахмайган сочингга ўт тушсин. "Восмёрка" ғилдиракка ўхшаб қинғир-қийшиқ қадам ташлайдиган оёғинг "Камаз"нинг тагида қолсин! Чойга туз солиб, "нега шакаринг ширинмас" деб пиёлани отиб синдирган қўлларинг акашак бўлсин! Таппига тушган мунчоқдек йилтираб турган кўзларингга снайпернинг ўқи тегсин! Макарон шўрва ичиб, "нега лағмонингни хамири ўқловдек" деб онамни сўккан тилларинг электрический мясорубкада қийма-қийма бўлсин! Офтобда қолган бақалажондек буришган бурнинг ириб тушсин! Қосим қатиқчининг обкашидек қоматинг лахатда чирисин! Кошкийди чириса! Чиримайди. Бирров гўрингни устига қамиш суқиб гугурт чақиб юборса, "вечний аланга" бўлиб қирқ йил ёнади! Аъзойи-баданинг спиртга айланиб кетган!

Ўзингиз инсоф билан айтинг-чи, шунча гапдан кейин ароқ деган дардисарни ёмон кўрмай бўладими? Шунақа-ку, кечга яқин томоқ жонивор "тақиллагани" чатоқ...

Йўқ, инсоф бераман, деса ҳеч гап эмас экан. Ичишни ташладим. Бир кунда! Бунга бир воқеа сабаб бўлди.

Эрталаб отим "Аждар"лигини қачон эшитаркинман, деб кутиб ётсам, қулоғимга "Турақолинг адажониси, чойингиз совиб қолади...", деган овоз кирди.

"Шу ўзимнинг "эговим"ми, деб кўзимни амаллаб очсам, тепамда жилмайиб-и-и-иб турибди. "Туғилган кунингиз муборак бўлсин! Умрижонингизга худо барака берсин!" деб у юзимдан, бу юзимдан ўпди. Ўпаётганда оғзимдан келган "муаттар" ҳиддан хиёл чимирилдик сездирмади. Буни қаранг, туғилган кунимизниям пақ-қос унутиб юборибмиз... Ишга кетаётганимда яп-янги, қордек оппоқ кўйлак, қирраси чиқариб дазмолланган шим, оёғимга "турецкий" туфли кийгизиб қўйди. Фақат кўча эшикка етганимда: "Адажониси, ақалли шу бугун ичманг, эртароқ келиб, болаларингиз билан яйраб ўтиринг, ош дамлаб қўяман", деди...

Ўзимнинг ниятим ҳам шу эдику-я, хира улфатлар туғилган кунингни "ювмайсанми" дегандан кейин қаёққа қочасиз?

У ёғи ўзингизга маълум: бир бошладими, "тормоз" ишламай қолади...

Буни қарангки, автобус бекатида битта хотин тухум сотаётган экан. Ҳар куни еса керак, ўзининг юзиям ҳафсала билан ювилган тухумдек йилтираб турибди. Хотинхўжанинг олдига қуруқ бормасликка баҳона топилганидан хурсанд бўлдим. Бир "решётка" тухум олдим. Ўттизта бўларкан. Олишга олдиму, қандоқ кўтариб кетишга ҳайронман. "Решётка" деганини икки қўллаб кўтариш керак. Икки қўлим банд бўлса, оёқ жонибор хотинхўжа айтгандек "восмёрка" ғилдиракка ўхшаб чалкашиб кетаётган бўлса, автобусга қандай чиқаману, қайси қўл билан нимани ушлаб тураман?! Тухумчи хотин эсликкина экан. Тухумларни салапан халтачага солиб берди. "Эҳтиёт қилинг", деб тайинлаб ҳам қўйди.

Автобус келганини биламан. "Миндиминди" бўлиб кетган автобусга орқа эшикдан бир амаллаб кирганим ҳам эсимда... У ёғи нима бўлгани ёдимда йўқ...

Бир маҳал ҳаммаёқ қий-чув бўпкетди. Ўрислар "чўрт-пўрт" деган, ўзбек хотинлар "хурмачанггга сиққанича ичсанг ўласанми", деб чинқирган... мўйлови меникидан ҳам қалин бир йигит ёқамдан олди. Лаънати штангачими, нима бало, ҳар билаги чойнакдек келади. (Чипта сотувчи эканини кейин билдим).

- Ҳаммаёқни расво қилдинг-ку, аҳмоқ! - деди бўкириб.

Мундай разм солсам, автобуснинг олд томондагилар "пресс" бўпкетган, мен турган томон бўм-бўш!. Синган хом тухумнинг ҳиди ғалатироқ бўлишини ўшанда билдим... Бунақа ис қаердан келаяпти, деб қарасам... Хотинхўжа совға қилган кўйлак, қирраси чиқариб дазмолланган шим оқиш-сарғиш шилимшиққа беланган.

Нима бўлганини шунда тушундим. Хуллас, тиқилинч автобусга омон-эсон чиққанман. Кейин иссиқ элитганми - бошқами, турган жойимда пинакка кетганман... Қўлимдаги "юк" оғирлик қилган чоғи, худди тўрва кўтараётгандек, салапан халтачани елкам ошириб орқага ташлаганман. Тухумлар "шарақ-шарақ" қилиб синган. Пўчоғи салапан халтани йиртган. Кейин ўттизта тухум бутунию синиғи аралаш-қуралаш бўлиб аввал белимга, ундан болдирга, кейин ерга тушган. Яп-янги кўйлакшим тухумнинг "муборак" "коктейли"га беланган.

Оёқ боссам, "турецкий" туфлим "шўлўқ-шўлўқ" қилади... Энг ёмони атрофимда турганлар ҳам "қуймоқдан" бенасиб қолмабди. Салкам эллик киши автобуснинг олд томонига қочиб, бир-бирига қапишиб қолгани шундан экан!

... Эртасига хотинхўжанинг сўз бойлигини тўлдирган янги қарғишларни кутиб узоқ ётдим. Қизиқ, бу гал у қарғамади, йиғламади... Фақат бир оғиз сўз айтди.

- Ажрашамиз! Судга ариза бериб қўйдим!

Бунақа пайтда қўл келадиган энг синалган қуролни ишга солдим.

- Ўзимни ўлдираман!- дедим комил ишонч билан. - Ўлсам, мен ҳам қутиламан, сен ҳам!

- Ростданми? - Хотинхўжа астойдил ажабланди. - Бу гапни мингинчи марта эшитаяпман!

- Йўқ! - дедим бош чайқаб. - Бу галгиси охиргиси! Ўзимни осаман!

- Шунақами? - Хотинхўжа шитоб билан уйдан чиқиб кетди. Зум ўтмай бир қўлда икки қулоч арқон, биттасида ўрта бармоқдек келадиган "икки юзталик" мих, занглаб кетган теша кўтариб кирди. (Олдиндан тайёрлаб қўйганми, нима бало).

- Эркак кишининг гапи битта бўлади! Ўзини осмаган номард! - деди-ю, чиқди-кетди.

Ўтириб-ўтириб, ўзимга нашъа қилди. Хаёлимга ғалати ўй келди. Айвондаги столни кўтариб ётоққа обкирдим. Устига чиқиб, вассажуфтга мих қоқдим. Арқонни боғлаб тортиб кўрсам, пишиққина. Менга ўхшагандан иккитасини бемалол кўтаради! Қўл жонивор "кантузия" бўлса-да, сиртмоқни бинойидек қилиб тугдим. Бошимни суқиб кўрсам, лоп-лойиқ. Ана энди хотинхўжанинг келишини кутамиз!

Бир маҳал дарвоза ғийқиллаб очилди. Сиртмоқни бўйнимга илиб, пойлаб турдим. Айвонда қадам товуши эшитилгач, бошимни худди осилган одамникига ўхшатиб бир томонга қийшайтирдим. Кўзимни юмиб олдим. Ҳатто тилимни жичча чиқариб, "тишлаб олган" ҳам бўлдим. Ҳаммаси "натуралний" бўлиши керак-ку!

Фақат оёғимнинг учини столга тираб олганман. Сиртмоқ ҳам томоқда эмас, энгакда. (Ўладиган аҳмоқ борми!)

Хотинхўжанинг ётоққа кирганини сезиб турибман. Бир маҳал "Вой ўлай!", "Вой, ўлмасам!" деган хитоб эшитилди. "Ҳа-а-а! Гулдек эрига ўлим тилаш қанақа бўларкан?", дедим ичимда. Билиб турибман, ҳозир "арслонимдан айрилдим!", деб дод солади. Оёғимга ёпишиб йиғлайди.

Ҳали кутаман, ҳали кутаман, ҳеч гапдан дарак йўқ! Бирпасдан кейин алланима "тўп-тўп" этди. Бир нарса ғийқиллади... Ҳайрон бўлиб, бир кўзимни очсам, уйга кирган хотиним эмас, қўшнимизнинг аёли - "кеннойи" экан! Худди бувисининг уйидек бурчакдаги туясандиқ олдида бемалол чўкка тушиб ўтирибди. Устидаги кўрпа-тўшакларни ағдариб ташлаб сандиқ титкилаяпти. Шу хотиннинг қўли эгриоқ деб эшитгандим. Ростдан ҳам сандиқдан хотиним не хасратда қизимизга йиққан бисотларни юлқиб олаяпти. Атласлар, адраслар, чиройли "упаковка" қилинган жемпир... Индамай турсам бошини сандиқ ичига суқиб қитирлатиб бурчак-бурчакларни кавлаштиришга тушди. Тилла тақинчоқ излаяпти шекилли! Буёғига чидолмадим.

- Ҳорманг, кеннойи! - дедим. Овозим шунақанги ғўлдираб чиқдики, ўзим ҳам ҳайрон қолдим.- Жа-а-а шилиб юбордингиз-ку!

Кеннойи сандиқдан бошини чиқариб мен томонга қаради. Кўзи ола-була бўп кетди. Ҳозир додлаб қочиб қолади, деб турсам, додламади ҳам, қочмади ҳам. Фақат ичидан "ғийқ!" этган садо чиқди. Кейин яна бир томонга қийшайганча яна икки марта "ғийқ-ғийқ" дедида, ёнбошига ағдарилди. Қўрқиб кетдим. Сиртмоқни бўйнимдан обташлаб сакраб ерга тушдим.

- Туринг, кеннойи, одамни қўрқитманг!- деб елкасига кафтимни боссам, қилт этмайди. Кўзлари бир нуқтага тикилиб бақрайиб қолган. Оқи бор, қораси йўқ!..

... Ёмон аёл эмас эди, раҳматлик... Маъракасининг бир четини кўтаришиб юборишга тўғри келди. Нима қилсаям кўздек қўшни...

Ўшандан бери бутилка деган макрухни уйга йўлатмайман. Минерал сув олсак ҳам "бакалашка"лигидан оламиз... Яқинда қизимизни узатдик. Хотинхўжани айтмайсизми?! Бир эмас, икки яшик "спрайт"дан гаров бойлашиб айтаманки, агар олқиш бўйича мусобақа ўтказилса, бизнинг хотин дунёда биринчи ўринни олади! Ана, ўзингиз эшитиб кўринг.

- Нур ёғилиб турган юзларингиздан айланай! Дарёларда сузиб юрган зулукдек қоп-қора мўйловингизнинг курбони бўпкетай! Юлдуздек чарақлаб турган кўзларингизни ёмон кўздан асрасин! Гул ҳиди келадиган нафасингиздан ўргилай! Юрганда ер титрайдиган оёқларингизга қокиндиқ бўлай! Қўнғироқдай патила-патила сочларингизга жоним тасаддуқ! Чинордек бўйларингизга бўйтумор!

... Ичишни ташласангиз, сиз ҳам хотиндан шунақа гаплар эшитасиз!

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Турмуш чорраҳаларида

ЕЛКАСИ ҚИЙИШИҚ КЕЛИНЧАКЛАР

Рашидахон тижоратдан кечки пайт ҳориб-чарчаб уйга қайтади. Унинг эри Абдуғофир эса шофёр. Оилаларида тўрт ўғил улғаймоқда. Абдумалик ана шуларнинг тўнғичи. Эр-хотин ҳар доим Абдумаликни ҳовлини сариштала б, қозон-товоқни сайратадиган қизга уйлантиришни орзулашади.

Ниҳоят кўшни қишлоқдан ҳусни-камоли ўзига ярашган, саранжом-саришта бир қизни топишди. Унинг исми Саидахон экан. Абдуғофир юлдузлар илмига қизиқувчан инсон бўлгани учун Саидахон билан Абдумаликнинг тақдир юлдузи бир-бирига тўғри келадими ёки йўқми билмоқчи бўлиб, башоратчи танишига мурожаат қилди. Иккисининг буржи бир-бирига мос тушиб, уларни уналтириб қўйишди.

Абдумалик уйнинг калта-култа ишлари билан овора ва қарийб бекорчи эди. Лекин ялтироқ машиналарни миниб, чўнтак телефонда гаплашиб юришган тенгқурларига ҳавас қиларди. Бошига омад қушининг қўнишини хаёллаганихаёллаган эди.

Ўша кунлари бу ҳовлига Рашидахоннинг эски қадрдони Садбарой ташриф буюриб қолди. У кутилмаганда хонадон бекасига шундай савол ташлади.

- Ўғлингнинг пешонасини ялтиратсам, нима дейсан?

- Майли, заргарга шогирд қилиб берсанг, йўқ демайман.

- Заргарлик осон ишмиди. Ўғлингнинг бошига бахт қуши қўнай деб турибди. Анови Маъмурхоннинг қизи ўғлингни тўйда кўриб ёқтириб қолибди.

- Абдумаликни уналтириб қўйдик-ку, ўртоқжон. Тўйининг ташвишида юрибмиз.

- Ўғлингни ўша қизга уйлантирсанг, битта ташвишингни ўнта қиласан. Бой бордони билан, йўқ армони билан. Ўғлинг бир умр қаддини тиклай олмай ўтиб кетади. Маъмурхон куёв сарпонинг устига машинанинг калитини қўймоқчи...

Ҳуллас бу гап Абдумаликнинг қулоғига чалингач, Саидага уйланмайман, деб туриб олди. Абдуғофирнинг боши қотди. Саида ота-онасидан эрта айрилиб, бувисининг қўлида қолган экан. Фотиҳанинг бузиши унинг шаънига яхши гап олиб келмасди.

Абдуғофир башоратчи танишининг олдига яна маслаҳат сўраб борди. Аммо кейин топилган қизнинг буржи Абдумаликнинг буржига тўғри келмас эди. Барибир Абдумаликнинг истаги устунлик қилди. Фотиҳа бузилиб, Абдумалик Маъмурхон бизнесчининг қизи Ферузага уналтирилди.

Тўйининг ҳаражатлари Абдуғофирни жиндай толиқтириб қўйди. Лекин тишни-тишга қўйиб, келинчакни тушириб келишди. Маъмуржон ҳам ваъдасида туриб, куёв сарпонинг устига машина калитини қўйди. Ниҳоят Абдумаликнинг хаёлий орзуси ушалди. Қудалар бир-бирлари билан апоқ-чапоқ бўлишиб, келиннинг юз очдисини ўтказишди. Ҳали ёғи ҳам артилмаган машина бостирманинг остига олиб келиб қўйилди. Машина ҳам, келинчак ҳам Абдумаликни маҳлиё қилиб қўйди. Бу ёқда Рашидахон ҳам хурсанд эди. Ҳовлига келин қўлидан ишини оладиган келин келганди. Энди тижоратдан қайтса ҳам кўнгли тинч бўларди.



Бироқ юз очдининг эртасига кичкина муаммо чиқиб қолди. Рашидахон тонг саҳар туриб, келинчак дарвоза олдини супураётган бўлса, "Баракалла, қизим!" деб қўяй, деган мақсадда ташқарига мўралади. Дарвоза олдида ҳеч ким йўқ эди. Қўшнининг қизи кўчани супуриб, сув сочиб қайтиб кириб кетди. Рашидахон орқасига қайтиб ўғлини чақирди.

- Абдумалик, бу ёққа қара, ўғлим!

- Лаббай ая,- унинг қаршисига пешвоз чиқди Абдумалик.

- Келинчагинг дарвозанинг олдини супуриб қўйсин. Эрталабда одамлар қараб ўтишади.

- Супурмайман деяпти. Супурги ушласа тирноғи кўчиб кетаркан.

- Ана холос! Мен супурсам, ўтган-кетган нима дейди? Чақир, супуришни билмаса ўргатиб қўяй.

- Чиқмайди, ая. Супурги ушлагани анави "ДЭУ"да ишлаётганларнинг қўлпайпоғидан керак экан. Укаларимнинг бирортаси супуриб қўяр.

- Майли, бугунча ўзим супуриб қўяман. Келинчагинг чиқиб, таҳоратга сув қўйсин. Билмаса, ўзинг ўргат.

Абдумалик ичкарига кириб кетди. Ўзига пардоз бераётган Ферузахон унга ўгирилди.

- Бувим нима дедилар?

- Таҳоратга сув қўяр экансиз. Кўчани бугунча аям супуриб қўяр эканлар.

- Мен умуман супурмайман. Дадам мени қул қилиб сотганлари йўқ. Кўрпаларни ҳам сиз тахмонга оласиз. Оғир юк кўтарсам юзимга тириш тушиб қолади.

Абдумалик келинчагига ҳеч нима дея олмади. Унинг ўзи ўчоққа ўт қалади. Бу Рашидахоннинг нафсониятига теккандай бўлди. Бу ҳовлига келин эмас, хўжайин туширилган экан. Келинчак нонуштагача пардоз-андозини зўрға тугатди. Бироқ Рашидахон бу ҳақда эрига ҳеч нарсани билдирмади. Ўзим алдаб-сулдаб келинчакни йўлга соламан, деган ҳаёлга борди. Бир ҳафта тишни-тишга қўйишга тўғри келди. Ферузахонга "ДЭУ"нинг оппоқ қўлқопидан топиб келишди. Ўт ёқишга осон бўлиши учун ўчоқ саҳнини ҳам кўтаришди. Маҳалланинг отинчасини таклиф қилишиб, келинчакка унинг вазифаларини ётиғи билан тушунтиришди. Одамни юрагига бермаса қийин экан. Келинчак ҳеч кимнинг гапидан хулоса чиқаришни хушламаётганди.

Шундай қилиб Рашидахон дарди ичида йигирма кунни ўтказди-ю, юрак босими хасталигини ошириб олди. Абдумалик эса ёғи артилмаган машина атрофида парвона эди. Барибир кунларнинг бирида Рашидахон аламини боса олмай, портлаб кетди.

- Аянгиз сизга бирор иш қилишни ўргатганми, қизим?

- Яна нима қилай? - тўнғиллади келинчак. - Менга тинчлик берасизларми, йўқми? Барибир сизларга қул бўлмайман.

Рашиданинг юрагига оғриқ турди. Келинчак араздай уйига кетиб қолди. Худди ўша куни кечаси кучли қор ёғиб, бостирма ҳали ёғи артилмаган машинани таппа босиб тушди. Машинанинг аллақаерига электр сими илашиб қолган эканми, учқун чиқиб машина ёна бошлади. Бостирмани очиб бўлишгунча, машина гуриллаб ёниб кетди.

Оловни ўчиришаётган пайтда Абдуғофир елкасини бостирманинг кашагига уриб олган эди. Лат еган жойи совуқда газак олиб, азоб бера бошлади. Бир елкасини қийшайтириб, зўрға кўчасига чиқади-да, оғриққа чидамай, уйга қайтади. Касалхонада ётгани пул қани? Бу ёқда Рашидахон тижоратни бас қилиб, биргалашиб, қудаларникига йўл олишди. Аммо аёл қуда дарвозани очиши билан Рашидахонга кўзи тушиб ўшқирди.

- Ҳа, жодугар! Шундай тилло қизимни қул қилмоқчи бўлдингми?

Аёл қуданинг қўлида капгир бор экан. Капгир билан Рашидахоннинг ўнг елкасига бир туширди. Рашидахоннинг елкасида ўт чақнагандай бўлди. У дарвозанинг ёндорига суяниб, ўзини зўрға тиккалаб қолди. Эркак қуда Абдуғофирга ўшқирди.

- Ношукр одамлар экансан. Сенлар билан қуда бўлдимми ҳали. Қизим қайтиб бормайди. Машинани қандай ҳолатда жўнатган бўлсам, ўшандай олиб келиб қўйинглар. Сенларга хайф машина!

Эр-хотин орқаларига қайтишди. Эр билан бирга Рашидахоннинг елкасига ҳам шўрпахта босишди. Лекин капгирнинг қирраси теккан жой газак олиб, унинг елкаси ҳам қийшиқ бўлиб қолди. Ориятни ўлимдан қаттиқ дейдилар. Эр-хотин бир амаллаб оғриқ азобига чидашиб, ёниб кетган машинани ўрнига қўйишгунча пешоналарига тириш тушди. Ота-онасининг қийналганини кўриб, Абдумаликнинг чеҳраси ҳам заъфарон бўла бошлади.

Пул кетса кетар, хотин ёнга қолар, дейишади. Бу гал ундай бўлмади. Хотин қайтиб келмади. Ҳовлидаги сигир, бузоқ сотилиб кетди. Елкада анчагина қарз ҳам пайдо бўлди. Энг ёмони эр-хотиннинг елкаси қийшайгани қолди.

Саиданинг тақдири нима бўлди, дерсиз? У худди шу маҳалланинг бошланишидаги уйга келин бўлиб тушди. Ҳовли ҳақиқий чаманзор. У елиб-югуриб, қайнотаси билан қайнонасининг дуосини оляпти. Бирор манфаат кўриш учун қилинган тўйда хосият бўлмас экан. Халқимиз «Кўрпангга қараб оёқ узат», деб бежиз айтмайди-да.

ҚУЁШ БУВИ

ҚИССАДАН ҲИССА

Яқинда Холисхон бувининг тўқсон ёшли тўйида иштирок этдик. Унинг катта ўғли тўйга келганларнинг ҳаммаси сиғиши учун айвонни кенгайтириб, қайта қурибди. Айвон шунақаям ёруғ ва шинамки, Холисхон буви бошига оппоқ рўмолни ёпиниб, унинг тўрисида ўтирибдилар. Бу ерга тузалган дастурхон атрофи бувининг фарзандлари, невара-чевералари, қариндош-уруғлари билан лиқ тўлган. Ташқарида хизмат қилаётган ёш-яланглар ҳам талайгина. Бувининг чеҳрасидан ҳаммага меҳр ёғилиб турганга ўхшайди.

Тўйхонадагиларнинг ҳаммаси бирма-бир бувининг пойига чўккалаб, унинг дуосини ола бошлашди. Буви шошмасдан, уларнинг ҳаммасини меҳру икром билан дуо қилаётганди. Онахон ҳамманинг пешонасини бирма-бир силаб, салкам икки соат дуо қилдилар. Сўнг невара келини Кароматхонни йўқлаб қолдилар. Унинг хотирасига қойил қолишиб, Кароматхонни қидиришга тушишди. Ҳамма Кароматхоннинг кириб келишига кўз тикиб туришганди. Шу пайт келинлардан бири бувининг қулоғига нималарнидир шивирлаб айтгандай бўлди. Сал ўтмай, остонада Кароматхон пайдо бўлди. У негадир иккиланиброқ бувининг ҳузурига етиб борди. Онахон невара келинни ҳам юракдан чиқариб, дуо қилгач, унга шундай деди:

- Менинг рўпарамга ўтиринг, қизим!

Кароматхон унинг қаршисига ўтиргач, буви ўзининг ёнгинасида ўтирган Маликахонга ўгирилди.

- Сиз ҳам рўпарамга ўтиб ўтиринг, қизим.

Маликахон жиндай ўнғайсизланиб, Кароматхоннинг қаршисига ўтиб ўтирди. Буви энди Кароматхонга юзланди.

- Сизнинг ёшингиз, жиндай бўлсаям катта қизим. Менга айтинг-чи, бугун қанақа кун?

- Жума, оппоқ буви, - жавоб қилди Кароматхон.

- Ҳа, баракалла! Тангри бу куннинг хосиятини улуғ қилиб яратган. Дилни поклаб, губорлардан тозалаб олиб, Тангри унга меҳр-шафоатини раво кўрмайди. Иккала овсин бир-бирларинг билан гап талашиб қолиб, сакқиз йилдан буён юзкўрмас бўлиб юрибсизлар экан. Иккалаларингни фарзандларинг вояга етаяпти. Уларга ўзларингдаги гина-адоватни мерос қилиб қолдирмоқчимисизлар? Қанақа мусулмон бўлдинглар? Мусулмончиликда уч кундан ортиқ гина-кудурат сақлаб бўлмайди.

Буви гапидан тўхтаб, ўртанча ўғли Солижонга бўйланди.

- Қани, бу ерга Ҳасанбой билан Ҳусанбойниям чақиринглар!

Ҳасанбой билан Ҳусанбой ҳам рафиқаларининг ёнига келиб ўтиришди. Энди буви Ҳасанбойга юзланди.

- Менга қара, Ҳасанбой! Сен укангдан бир соатга бўлсаям каттасан. Иккаланг ҳам хотинларингнинг ноғорасига ўйнаб, бир-бирингг билан борди-келди қилмас экансан. Мен айтиб қўяй. Одам кечиримли, меҳр-шафқатли бўлмаса, Яратганга ҳам маъқул бўлмайди. Иши ҳам юрмайди, омад ҳам чопмайди. Тур ўрнингдан! Сен укангни биринчи бўлиб кечир!

Ҳасанбой ўрнидан туриб, хўнграб йиғлаб юборди. Ҳусанбойнинг кўзларидан ҳам ёш мўлтиллаб чиқди. Иккаласи кучоқ очишиб, бир-бирларини бағрига олишди. Овсинлар ҳам худди ана шундай қилишди.

Тўйда ўтирганларнинг ҳаммаси жимиб қолишди. Кўпчиликнинг кўзига ёш қалқиди. Ёнимда ўтирганларнинг бири қулоғимга шундай гапни шивирлади: "Иккала келин ҳам: "Тирик бўлсам, сен билан умрбод олишаман", дея онт ичишган экан.

Холисхон бувининг тўқсон ёшлик тўйи ростдан ҳам зўр тўй бўлди. Холисхон буви шу ердагиларнинг ҳаммасига бир умр эсдан чиқмайдиган сабоқ берди. "Қариси бор уйнинг париси бор", деган иборага шак-шубҳасиз имон келтирдим. Шу сонияда Холисхон бувининг чеҳраси кўзимга Қуёшга ўхшаб кўринди.

Комилжон НИШОНОВ,
Андижон вилояти.

ИДИШЛАР ТОЗАЛИКНИ СЕВАДИ

◈ Сирланган кастрюлка узоқ вақт хизмат қилишини истасангиз, янгилигида унга тузли сув солиб қайнатиб олинг. Бунинг учун ҳар 1 литр сувга 5 чой қошиқ миқдорида туз солиш керак.

◈ Қизиб турган сирли идишга совуқ сув ва аксинча совуқ идишга қайноқ сув солма кўрманг. Бунинг оқибатида идишнинг сири кўчиб кетади.

◈ Хўлланган юмшоқ мато бўлагини майда тузга ботириб олиб, сирли идишларни тозалаш мумкин.

◈ Сирли идишингизга овқат юқи ёки куйиндилари ёпишиб қолган бўлса, уни кетказиш йўли осон. Бунинг учун идишга бир чимдим ош содаси қўшилган сув солиб қайтаниб олсангиз кифоя.

◈ Янги харид қилган товангиз узоқ вақт хизмат қилиши ва унда пиширган ёки иситган овқатингиз куйиб кетмаслиги учун қуйидаги усулдан фойдаланинг. Янги товага эритилган думба ёғи суртиб яхшилаб қиздиринг, сўнг йирик туз билан ишқалаб артинг.

◈ Товани овқат юқи ва куйиндилардан тозалаш учун олдин оппоқ қоғозда, сўнг йирик тузда ишқалаб артасиз ва иссиқ сувда ювиб ташлайсиз.

◈ Сўнгги вақтларда локланмаган ёғоч идишлар ҳам урф бўлиб бораяпти. Улар нам ўтказмаслиги учун ювиб қуритиб олгандан сўнг ички қисмига 100 грамм канифол ва 30 грамм мум аралашмасини қиздириб суртиб чиқиш керак.

◈ Вақт ўтиши билан алюмин идишларнинг девори қорайиб қолиши мумкин. Улар яна худди янгидек ялтиллаб туришини истасангиз, юмшоқ мато бўлагини уксуснинг кучсиз эритмасида намлаб ишқалаб артинг. Сўнг яхшилаб ювиб ташланг.

◈ Сут ёки хамир сақланган идишни олдин совуқ, кейин иссиқ сувда ювсангиз, топ-тоза бўлади.

◈ Гўшт қиймалагични ювганингиздан сўнг газ ўчоқ ёнида, умуман иссиқ жойда қурита кўрманг. Чунки бунинг оқибатида унинг ранги қорайиб, пичоғи эса ўтмаслашиб қолади.

◈ Биллур идишларни ювганингиздан сўнг синькага ботириб олинган жун газлама парчаси билан артсангиз, ялтираб товланиши ортади.

◈ Бўғзи ингичка шиша идишлар (графин, гулдон ва хоказо)ни майдаланган тухум пўчоғи ёки газета парчалари солинган илиқ сувда ювиш қулай. Бунинг учун сув солгач, идишнинг оғзини қўл билан ёпиб туриб яхшилаб чайқаш керак.



◈ Шиша идишлар ялтираб туриши учун уларни ювгандан сўнг уксус ёки туз қўшилган сувда чайиб олиб, сўнг оддий тоза сувда ювиб ташлаш лозим.

◈ Чойгум ёки бошқа идишда пайдо бўлган қасмоқ(мунтазам сув қайнатишдан ҳосил бўладиган қатлам)ни кетказиш осон. Бунинг учун идишга иссиқ сув солиб, қайнаб чиққунича оловга қўясиз. Сўнг ҳар 1 литр сувга 2-2,5 ош қошиқ миқдорида ош содаси солиб, яна 20-25 дақиқа қайнатасиз. Кейин қайнатмани тўкиб ташлаб, 4 литрига ярим стакан миқдорида уксус қўшилган сув билан тўлдириб, қайнаб чиққач яна 20 дақиқа оловда ушлаб турасиз. Шундан сўнг юмшаб қолган қасмоқни осонгина кўчириб олиш мумкин. Идишни эса яхшилаб чайқаб ташлаш зарур.

◈ Қасмоқни кетказишнинг яна бир усули: идишга 4 фоизли туз кислотаси қўшилган совуқ эритмани солиб, 60-80 даражага чиққунча иситасиз ва 20-30 дақиқа ушлаб турасиз. Натижада қасмоқ юмшаб, осонгина кўчиб тушадиган бўлиб қолади. Уни тозалаб олгач, идишни бир неча марта чайишни унутманг.

◈ Қаҳва қайнатадиган идишда қасмоқ пайдо бўлса, унда лимон бўлаги солинган сувни қайнатиб олинг.

◈ Мис идишларингиз янгидек ялтирашини истасангиз, уларни 30 дақиқа мобайнида ҳар 0,5 литрига 20 граммдан кальцинацияланган сода қўшилган сувда қайнатинг.

◈ Мис ва жез идишларни қуйидагича тозалаш мумкин: 10 фоизли нашатир спиртидан 30 грамм, 15 грамм тиш ювиш кукуни ва 50 грамм совуқ сув олиб, аралашма тайёрлайсиз. Мовут ёки фланел(ип ёхуд жундан тўқилган енгил мато) парчасини ана шу аралашмада хўллаб идишларни сайқаллаб чиқасиз.

◈ Кумуш ва мельхиор(мис ва никел қотишмаси)дан ясалган буюм ҳамда идишларни ош содасида осонгина тозалаш мумкин. Бунинг учун сода ва қайноқ сувдан бўтқа тайёрлаб, идишларни яхшилаб ишқалайсиз, сўнг қуруқлаб артиб оласиз. Шунингдек, бўтқага ош содаси ўрнига тиш ювиш кукуни ишлатса ҳам бўлади.

◈ Кумуш буюм ва идишларингиз қорайиб, аввалгидек ялтирамай қолган бўлса, хафа бўлишга шошилманг. Уларни олдинига исталган идиш-товоқ ювиш воситасида яхшилаб ювиб олинг. Кейин 100 грамм сувга 20 грамм фотографияда ишлатиладиган гипосульфат натрий қўшиб тайёрланган эритмада ювиб, охирида илиқ сувда чайиб ташлайсиз.

◈ Тилла суви югуртирилган идиш ва буюмларнинг қорайиб қолган сиртини тозалаш жуда осон. Бунинг учун уни бир ош қошиқ 8 фоизли гипохлорит натрий("Белизна" тоифасидаги ювиш воситаси) ва тухум оқи аралашмасида намланган юмшоқ мато билан авайлаб артиш керак.

Ўзингиз ва уй Рўзғорингиз учун МИНГ БИР МАСЛАҲАТ

Эркаклар ва аёлларнинг классик усулда тикилган костюмлик шимларини дазмоллашда қуйидаги маслаҳатларимиз ҳар бир бекага қўл келиши тайин.

✱ Аввало, тоза, нам дока устидан шимнинг юқори ва бел қисмига дазмол босиш керак. Сўнгра докани олиб, чўнтакларни дазмоллаш лозим. Матода из ёки ялтироқ доғ қолмаслиги учун унга тоза, оппоқ қоғоз тўшаш керак.

✱ Шимнинг ҳар бир пойчасини эҳтиётлик ва диққат билан буклайсиз, токи ташқи ва ички чоклари мос келсин. Шунда чизиқлари бир текис чиқади. Олд ва орқа букмаларни, чокларини эринмай дазмоллаш керак.

✱ Шимни дазмоллаш пайтида докани тез-тез хўллаб туриш керак. Чунки у қуриб қолса, шимда ялтироқ доғлар пайдо бўлади.

✱ Эркаклар шимининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири яхшилаб дазмолланган, устарадек силлиқ турган чизиқлар эканлигини унутманг. Ана шу чизиқлар узоқ вақт сақланишини ва кўрк бериб туришини истасангиз, докани хўллаётган сувингизга озгина уксус қўшиб юборинг. Охирида намланган тоза, оқ қоғоз тўшаб қизиб турган дазмолни бир-икки марта юритиб оласиз, тамом-вассалом.

✱ Чизиқлар силлиқ ва чиройли чиқишининг яна бир усули: дазмол босишдан олдин астар томонидан чизиқларга қуруқ совун суртиб чиқасиз.

✱ Дазмолланган шимларни дарров жавонга илиб қўйишга шошилманг. Улар яхшилаб совигунча кутганингиз маъқул.

Агар хонадонингизнинг поли локланган паркетдан бўлса, қуйидаги маслаҳатларимиз айнан сиз учун.

● Чанг ва гардлардан тозалаш учун полни ҳар куни супириш ёки чангютқич юргизиб чиқиш керак. 10-15 кунда бир марта намлаб артиш зарур. Лекин пол латтани яхшилаб сиқиш керак, чунки тахталар орасига сув кирмаслиги лозим, ёки ҳозир дўкон ва бозорларда кўплаб сотилаётган сунъий толали махсус чўткадан фойдаланинг. Пол латтангиз дағал матодан, чўтканинг асоси эса металдан бўлмасин. Сабаби, улар полни қириб, из қолдириши мумкин.

● Локланган полни тозалашда ювиш воситасини тўғри танлаш ҳам муҳим ўрин тутади. У нейтрал, яъни на кислотали, на ишқорли реакцияга мойил ёхуд таркибида ишқор кам бўлиши шарт. Қолаверса, ювиш воситасини илиқ сувга қўшиш миқдорига ҳам қатъий риоя этиш зарур. Чунки уни кўп қўшиш ёки таркибида ишқор ва кислота бўлган воситалар локни "еб қўйиш" хусусиятига эга.

● Мутахассислар хонада ҳаво ҳарорати 20 даража, намлиги эса 50-65 фоиз атрофида бўлса, одам ўзини яхши ҳис қилишини таъкидлашади. Паркет ўз кўринишини йўқотмаслиги учун ҳам айнан шундай ҳарорат ва намлик зарур.

● Локланган паркетга гилам ва палас тўшамаган маъқул. Чунки уларнинг аксарияти дағал сунъий толалардан тўқилади. Шу боис юрганингизда улар паркетни тирнайди.

● Паркетга кофе, чой, шўрва каби қайноқ суюқликлар тўкилиб кетса, уларнинг тахтага шимилишига йўл қўймай дарров артиб олинг.

● Паркетни авайлаш уни сайқаллаш ва янгилашдан анча арзонга тушади. Шунинг учун поли паркетли хонангиздаги стол, стул ва бошқа мебелларнинг оёқларига кигиз ёки мовут парчаси қоплаб чиққанингиз маъқул.

ПАРДА ТАНЛАЙМИЗ

Хонадонингиз шинам, чиройли кўриниши учун албатта янги мебел сотиб олиш ёки замонавий усулда таъмирлаш шарт эмас. Баъзида ранглари тўғри танланган пардалар ҳам хоналарга ўзгача кўрк бағишлайди. Бугунги кунда йирик шаҳарларимиздаги махсус дўконлардан ва бозорларимиздан иқтисодий имкониятингизга қараб пардаларнинг исталган турини харид қилишингиз мумкин. Муҳими, унинг ранги, гуллари хонадаги бошқа жиҳозлар билан мос келишида.

● Қуёш нури кам тушадиган қоронғироқ хоналар учун ёрқин рангли ва енгил пардалар олганингиз маъқул. Ёруғ хоналар учун эса тўқ рангли ва қалинроқ пардалар кўпроқ мос келади.

● Хона кенг ва ёруғ кўринишини истасангиз, пардани кўпчилик ўрганиб қолаганидек бутун девор бўйлаб эмас, балки фақатгина дераза кенглигида тутинг.

● Торроқ хоналарга гул, расм ҳамда чизиқлари кўндаланг(горизонтал) бўлган пардалар тутилса, хона кенгроқ кўринадиган бўлади.

● Парда танлашда қайси хона учун мўлжалланаётгани ҳам муҳим ўрин тутади. Жумладан, меҳмонхона учун башанг, ёрқин рангли, безакли, ётоқхонага эса табиий матодан тайёрланган, майин гулли пардалар мос тушади. Болалар хонасига ҳам табиий матодан тикилган, боланинг ёшига мос расмлар туширилган пардалар олиш керак. Боланинг ёши улғайгани сари пардани ҳам шунга мос тарзда ўзгартириб бориш лозим.

● Ошхонадаги пардалар тез кир бўлиши боис кўп ювилади. Оқибатда уларни тез-тез алмаштириб туришга тўғри келади. Ҳар сафар пардани янги сервизингизга ёки дастурхонингиз рангига мослаб харид қилишингиз мумкин.

● Дўкондан парда харид қилаётганда уни ювиш, кимёвий усулда тозалаш қоидаларини батафсил сўраб-суриштириб олинг. Чунки пардангиз узоқ вақт рангини йўқотмаслиги ва хизмат қилиши кўп жиҳатдан шунга боғлиқ.

● Харид қилаётган пардангизни ёруғликка тутиб кўришни маслаҳат берган бўлардик. Чунки айрим матолардаги гул ва расмлар ёруғлик ва қуёш нури тушганда яхши билинмай, худди турли рангдаги ипларнинг чатишмасига ўхшаб кўриниши мумкин.

● Парданинг муҳим қисмларидан бири астардир. Афсуски, бизда астарли, яъни остидан рангига мос тарзда бир қават мато тутиладиган пардалар у қадар урф эмас. Аслида безакчи-дизайнерлар астарли пардалар чиройли бурмалар ҳосил қилишини, бой ва башанг кўринишини таъкидлашади. Қолаверса, астар тутилганда парда шовқинни яхшироқ ютади ҳамда қуёш нурида қуйиб, ранги униқишининг ҳам олди олинади.

ДАРМОН тайёрлади.

БЕҲИ — ДАРДЛАРГА ДАВО

Беҳининг ёввойи ва маданийлаштирилган тури бор. Кўпроқ Кавказ, Марказий Осиё ва Қримда ўстирилади. У 4 минг йил муқаддам хонакилаштирилган. Ўзбекистондаги беҳизорларнинг 80 фоизи Фарғона водийсидадир.

Беҳи нави турлича бўлади: ноқбеҳи, Кува беҳиси, нонбеҳи ва ҳоказо. Табобатда кўпроқ меваси ва уруғи қадрланади. Беҳи уруғида шиллиқ модда, гликозид, амигдалин, мой, бўёқ моддалари жо бўлган. Шу моддалар туфайли талайгина хасталикларга шифо. Мавриди келганда беҳининг хосияти ҳақида ривоят келтирамиз:

... Беморнинг дарди кундан-кунга ёмонлаша бошлабди. Қилинмаган дори-дармон, кўрсатилмаган парихону азаймхон, фолбину қасидахон қолмабди. Алас-алас, баста-баста қилиб, терига ўраб савалашибди, неча бор мозору чироқ ёқишибди, илму амал ва банд қилишибди. Барчаси бекор кетибди. Хуллас, чувалчанг чучвараси-ю, қизилиштон шўрвасигача бериб кўришибди. Беморнинг аҳволи яхши бўлмабди.

Луқмони Ҳакимни топиб, хастани кўрсатишибди. У касални кўриб, чуқур уф тортибда-да, шундай дебди:

- Ўзига билинтирмай, бир чеккага ётқизиб қўйинглар, у охирги кунларни бошидан кечиряпти.

Хастанинг ота-онаси ўн икки йил касалга қараб, ҳориб-толган эканлар. Ноилож, ҳакимнинг гапига кириб, уни тўшаги билан қари беҳи дарахтининг тагига ётқизиб қўйишибди. Бемор яккаланганидан зорзор йиғлабди. Орадан бир соат ўтар-ўтмас ярми сасиган бир дона беҳи узилиб тушибди-да, касал ёнига юмалабди. Бемор ўз-ўзича: "Шундай хор-зор бўлиб ётгандан ўлганим минг бор яхши", деб беҳининг заҳарланган ва сасиган қисмини бармоғи билан ялай бошлабди. Касалга заҳарнинг икки тилимиёқ қувват бергандай бўлибди. Хаста беҳининг қолган қисмини ялаб бўлгунича, ўрнидан туриб ўтириб-кетибди. Беҳи унга жон ато қилганидан завқланиб, заҳарланмаган қисмини бир тишлаган экан, ўша заҳотиёқ йўтали тўхтаб, енгил балғам ажрала бошлабди.

Бемор эртасигаёқ ўрнидан туриб, тўшакларни қоқибди. Беҳи дарахтлари остини супуриб-сидирибди. Яна бир дона ярми сасиган беҳини шохдан излаб топиб тановвул қилибди. Хуллас, уч кун деганда бемор оёққа туриб, бир ҳафтада ўзига кела бошлабди. У фақат беҳи ер, еганда ҳам уруғигача қолдирмас экан.

Хастанинг қариндошлари мабодо ўлган бўлса кўмиб қўяйлик деб хабар олгани келишса, бемор беҳи ғажиб ўтирган эмиш. Улар ҳайратдан лол қолиб, яна Луқмони Ҳакимни топиб келишибди. Ҳаким ҳам бу ишга ҳайрон қолиб суриштиргач, беҳига ўдағайлабди:

- Ҳой букри, барча мева-ю, набобат тилга келиб ўзининг қайси касалга даво эканлигини менга айтса-ю, сен нега индамадинг?

Беҳи дарахти:

- Аввало, сен мени менсимаганингдан, ундан сўнг, менинг сенга ҳисоб берадиган жойим йўқ. Мен жаннат мевасиман, агар ҳисоб бергулик бўлганимда ҳам Одам Атога берардим, - дебди.

Луқмони Ҳаким сўрабди:

- Қандай дардларга давосан?

- Менинг даво бўлмаган қисмим йўқ, томиримдан тукимга қадар минг касалга шифоман,- деб жавоб қилган экан.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино беҳи мевасидан тайёрланган дамлама ва қайнатмани ич кетишини тўхтатувчи, иштаҳа очувчи, пешоб ҳайдовчи омил сифатида қўллаган. Айниқса, чўққа кўмилган беҳи яхши ҳазм бўлади.

Беҳи сувига асал қўшиб тановвул этилса сурункали жигар хасталигида даво. Беҳи терни тўхтатади, нафас аъзолари учун фойдали, чанқоқни босади, қусишга қарши наф беради. Беҳи ширази зиққанафас (астма), қон тупиришда фойда қилади. Уруғидан олинган шиллиқ эритмаси ўпка ва нафас йўллари хасталикларига даво бўлади. Уруғи томоқ қирилишида яхши наф келтиради.

Мабодо кишиларнинг оғзи қуруқшаб қолгундек бўлса (айниқса, узоқ суҳбат қурганда ёки нутқ сўзлаганда) беҳи уруғи унинг олдини олади. Шунинг учун нутқ сўзлашдан 30 дақиқа олдин 2-3 дона беҳи уруғини тил остига ташлаш даркор. Керак бўлганда бир дона уруғини нутқ сўзлаган пайтда тил остида қолдириш мумкин.

Уруғи гастроэнтеритда, колит (ичак шамоллаши)да, қорин бўшлиғи дам бўлганда бронхитда ишлатилади.

Халқ табобати амалиётида беҳи уруғлари билан узум шарбатининг қайнатмаси камқонликда, ичбуруғда, бавосил касалликларини даволашда тавсия қилинади. Уруғидан тайёрланган қайнатма кўз оғриганда, қабзиятда даво сифатида қўлланилади.

Маълумки, кекса кишилар тез-тез қабзиятга учраб турадилар. Бу эса киши аъзои танасининг жабрланишига олиб келади. Қабзиятда нафис сурги сифатида қўллаш учун беҳи уруғлари ажратиб олинади ва салқин жойда қуритилади. Сўнгра бир чой қошиқ уруғ олиниб, устига 200 мл қайноқ сув қуйиб дамланади. 25 мл. дан ичиб турилади.

Беҳининг ичига асал ёки думба ёғи қўйиб, буғда пиширилгани шамоллаганда, йўталда шифодир.

Меваси камқонликда, бачадондан қон оқишида, сариқ касалида, қон қусишда, бедармонлик, меъда, буйрак касалликларини даволашда тавсия қилинади.

Беҳининг барги, новдасининг пўстлоғи, ёш шохчалари қандли диабетда ва қон босими ошганда наф беради.

Меваси асабни тинчлантириш, баъзи бир тур бош оғриқда хурсанд қилувчи таъсирга эга, юракка дармон берувчи омил ҳисобланади. Оғиздаги нохуш ҳидни йўқотади. Кишининг ичига қон қуйилганда ёрдам беради. Мевасининг юмшоқ қисми қотирувчи хусусиятга эга. Шу боисдан ҳам беҳини буғда пиширган ҳолда, мураббо кўринишида, асал билан истеъмол қилиш лозим кўрилади.

Агар айни қиёмига етиб пишган беҳи мевалари уй шифтларига осиб қўйиладиган бўлса, мазкур хонада дам олиб, ҳордиқ чиқарувчи кишиларнинг уйқулари тиниқ, мароқли бўлади. Беҳининг ўзига хос ёқимли ҳиди кайфиятни яхшилайди. Киши тана-аъзоларининг кучларини мустаҳкамлайди.

"Беҳини кўп истеъмол қилиш мумкинми?" деган савол туғилиши табиий. Ҳамма нарсанинг меъёри бор. Беҳини кўп истеъмол қилиш ични қотириши мумкин. Айниқса, эмизикли аёллар шуни ёдда сақлашлари лозимки, беҳидаги ошловчи моддалар болани эмизганда сут орқали чақалоққа ўтади ва унинг ичини қотиради. Пировардида чақалоқ қийналади. Шундай ҳолат рўй берса, шивит (укроп) сувини бериш керак.

Беҳини меъёрида тановвул этсангиз, бу жаннат меваси соғлигингизга поёндоз бўлади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.

Табобат уммо

Сентябр ойида пишиб етиладиган беҳининг тилларанг меваси кўп дардларга даво бўлади.

Беҳининг таркибида қанд, органик кислоталар, пектин, оқсиллар жуда кўп. Унинг пишиб етилган меваси таркибида фруктоза, глюкоза, сахароза, шунингдек: С1, В1,В2,Р, РР ва А дармондорилари бор. Беҳининг 100 грамм меваси-да 144 мг. калий мавжуд. Меваси ва уруғлари турли касалликларни даволашда, барглари эса косметикада ишлатилади.Беҳининг меваси сийдик ҳайдайди. Шамоллашни даволаб, битирувчи ва қон тўхтатувчи восита ҳам ҳисобланади.Уруғларида эса юмшатиш ва шамоллашнинг олдини оладиган хусусияти бор.

Диққат!Эти дағал ва органик моддалари кўп бўлгани учун беҳининг янги узилган меваси истеъмол қилинмайди.

Бу қизиқ!

Қадимги юнонлар беҳини севги маъбудаси Афродитага атаганлар. Чунки, беҳи гўзаллик, севги, маҳсулдорлик ва бахтли никоҳ рамзи ҳисобланган.

Беҳи билан даволаниш

Камқонлик ва қанд касалида

● Етилган беҳи бўлакларга бўлиб, уруғларидан тозаланади. Сўнг термосга солиб устига 1:20 миқдорида қайноқ сув қуйилади. 2 соат дамлаб қўйилади. 1/2 стакандан ҳар куни уч маҳал ичилади. Бу дамламани овқатланиш орасида ичган маъқул.

● 1 ош қошиқ беҳи қоқиси устига 1 стакан қайноқ сув қуйилиб, 20 дақиқа дамлаб қўйилади. Сўнг паст оловда 10 дақиқа қайнатиб олиниб, яна 30 дақиқа дамлаб қўйилгач сузиб олиб овқатланишдан олдин ҳар куни уч маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

Ич кетганда

● 200 грамм уруғларидан тозаланмасдан бўлакланган беҳи устига 1 литр сув қуйилиб паст оловда 20 дақиқа қайнатилади. Бу дамлама ич кетиш тўхтагунча ичилади.

Иштаҳасизлик, энтероколит ва шамоллашда

● 1 чой қошиқ беҳи уруғи устига 1/2 стакан қайноқ сув қуйилади ва 2 соат давомида чайқатиб турилади.Уруғини сиқиб олмасдан сузиб олинади. Сўнг 1 ош қошиқдан ҳар куни уч маҳал овқатланишдан олдин истеъмол қилинади.

Сепкилни йўқотади

● Пишиб етилган беҳи майда қирғичдан чиқарилиб асал билан аралаштирилади. Бу аралашма юздаги сепкил тошган жойларга сурилса тезда йўқотади.

Соч тўкилганда

● Беҳининг 50 грамм янги узилган барги устига 1 литр сув қуйилиб, 10 дақиқа қайнатилади. 1 соат тиндирилгач, бу дамлама билан тоза қилиб ювилган сочлар чайилади.

Стоматитда

● Беҳи уруғини янчиб устига 1 стакан қайноқ сув қуйилади. У 2 соат дам еганидан кейин оғиз чайилади.

Бавосилда...

● Беҳининг шарбатини сиқиб олгач, илитиб, пахтага ботирилади-да, ёрилган орқа чиқарув тешигига қўйилса, тузатади.

БАСИРА тайёрлади.

БУРЖИНГНИ АЙТСАНГ...

Қайси бурж ва унсур остида туғилганимиз ҳаётимизда кўп нарсани белгилайди. Жумладан, танимизга ёпишадиган ёки аксинча, бизни четлаб ўтадиган касалликларни ҳам.

✷ ***Қўй (21.03-20.04)*** буржидагилар ҳаётлари давомида травматолог ва ортопедга тез-тез мурожаат этишларига тўғри келади. Доимий бош оғриғи ва бош мия склерози "қўй"ларда энг кўп учрайдиган касалликлардир.

✷ ***Сигир (21.04-21.05)*** буржи вакиллари томоқ касалликларига чалинувчан бўладилар.

✷ ***Эгизаклар (22.05-21.06)*** бронхларини ва асабларини асрашларига тўғри келади. Чунки уларни кўпроқ шу касалликлар қийнайди.

✷ ***Қисқичбақа (22.06-22.07)*** Мазкур буржда туғилганларнинг "Тиббиёт карта"ларида гастрит, ошқозон-ичак яраси касалликлари ҳақидаги ёзувлар кўпроқ учрайди.

✷ ***Арслон (23.07-23.08)*** ларга чўнтакларида доим валидол олиб юришни маслаҳат берган бўлардик. Юрагингизни ва умуртқаларингизни асранг.

✷ ***Бошоқ (24.08-23.09)*** буржи вакиллари доим парҳез сақлаб юрганлари ва асабларини асраганлари маъқул. Йўқса, уларнинг ошқозони ва асаб тизими ишдан чиқиши аниқ.

✷ ***Тарози (24.09-23.10)***лар тери касалликлари, буйракда тош бўлиши ва пиелонефритни "хусусийлаштириб олганлар", гўё.

✷ ***Чаён (24.10-22.11).*** Ушбу буржда туғилганлар доим таваккалчилик қилиб юрадилар. Оқибатда жароҳатлардан бошлари чиқмайди. Турли инфекциялар, хусусан сийдик йўли касалликлари уларни тинч қўймайди.

✷ ***Ўқотар (23.11-21.12)***лар ҳаётни севадилар. Соғлиқ борасида энг омадли бурж ҳам аслида шулар. Фақат сархил ва тўйимли овқатларни яхши кўришлари боис айрим касалликларга чалинишлари мумкин, холос.

✷ ***Тоғ эчкиси (22.12-20.01)*** аксинча нозик ва касалманд бўлади. Уни кўпроқ радикулит, остеохондроз ва қоматнинг бузилиши қийнайди. Узоқ умр кўрадиганларнинг аксарияти "тоғ эчкилар"и ҳисобланишади.

✷ ***Қовға (21.01-18.02)***ларга турли касалликлар қутилмаганда ёпишиб, худди шундай қутилмаганда уларни тарк этади. "Қовға"ларнинг "шахсий" касаллиги - варикоз қон томирлари кенгайиши.

✷ ***Балиқ (19.02-20.03)***лар нозик бўлганлари боис, юқумли касалликлар, нафас йўллари касалликлари уларга ёпишиб олади.

ДАРМОН тайёрлади.

❶ УЙДА ТИНЧИМ ЙЎҚ...

- Мен гўзалликни ориятда, иймонда кўраман. Доимо намоз ўқийдиган қизга уйлансам, деб ният қилардим, - дея тақдирини баён қилди ҳарбий кийими ўзига ярашиб турган эркак.

- Ниятингизга етдингизми?

- Намоз ўқиш борасида ниятимга етдим. Аммо ориятли, иймони бут аёлга эришолмадим. Адашган эканман. Ҳамма намозхон ҳам иймонли бўлавермаскан. Гап қалб тозалигида, дунёқараш кенглигида экан. Биринчи фарзандим туғилганидаёқ ажрашмоқчи эдим. Аммо ота-онам «Болангни тирик етим қилма, хотинингга инсоф кириб қолар», дея қўйишмади. Барибир яшаб кетолмадим. Болаларим 2 та бўлганида ажрашдим.

- Болаларингизни кўзингиз қийиб ажрашишга сабаб нима эди?

- Мен ҳарбий санъаткорман. Маданият институтини тамомлаганман. Халқ хизматида ҳам юраман. Танишларим ҳам талайгина. Халқимизнинг одамохунлигини биласиз. Бориб битта тўйини ўтказиб берсангиз, қадрдон бўлиб қолишади. Шу каби ҳолатлар сабаб аёллар билан сўрашсам, ёки телефон қилишса балога қоламан.

- Хўп, буни рашк дейдилар. Сизни қизғанса бунинг нимаси ёмон?

- Э, бу рашкмас, аҳмоқлик. Онам тенги аёлдан ҳам, сингилимдек бўлиб қолган қизчадан ҳам рашк қилишини калтафахмлик деб биламан. Қолаверса, мен ҳеч қачон рашкка асос туғдирмаганман.

Санъаткорларга кўпинча шу маънода қарашади. Лекин ҳаммаси инсоннинг табиатига боғлиқ. Хуллас бу бир сабаб бўлса, иккинчи бир сабаб рўзғор, оила деган тушунчани ҳеч ҳам англамади. Эркак киши ҳар хил кайфиятда уйга келади. Баъзан ишхонадами, йўлдами нохушлик бўлиши ёки ўйлаган, режалаштирган ҳаракатинг чиппакка чиқиши мумкин. Шунда сенинг ҳолатингни тушунадиган, топганингни саранжомлаб ўтирадиган аёлинг бўлмаса қийин экан. Яхши кунларига "заказ" бериш учун эшик қоқиб келган, қўнғироқ қилган инсонга жуда қўпол муомала қилиб юборгани учун неча бор уришганмиз. Ахир сиз мурожаат қилган жойдан қўпол муомила кўрсангиз қайтиб қайрилмайсиз ҳам, тўғримми? Ўшалар оиламиз, болаларимиз учун ризқ олиб келишини тушуниш наҳотки қийин бўлса? Қисқаси у билан яшашдан чарчадим. Ҳали 40 га кирмай юрагим санчадиган бўлди. Инсон оиласида хотиржам яшамаса ўзини адо қиларкан. Эркак бўлиб бир одамни уйимга олиб келолмасам, бирор кийимим озода турмаса. Келинг, майдалашмай, қисқаси бир қарашда майда бўлиб кўринадиган, лекин шу арзимас бўлса-да кўнгилни кемирадиган сабаблар туфайли оиламиз барбод бўлди.

- Энди қандай яшамоқчисиз?

- Мен ҳам шунга бошим қотиб бу ерга келдим-да. Кўнглимдагидек аёлни топишимга ишонаман. Лекин фарзандларим нима бўларкан? Уларни деб яшай десам юрагим чидамаяпти. Яхшилар менга маслаҳат беринглар.

❷ ҚИЗИМ БАХТЛИ БЎЛАРМИКАН?

- Мени бу ерга қизимнинг тақдири етаклаб келди. У бу йил 23 га кирди. Совчилар кўп. Аммо..., - дея чуқур хўрсинди аёл. - Гап шундаки, у бир ярим яшарлигида қизамиқ билан жуда қаттиқ оғриб, ўшандан асорати қолган. Буни биз 1-синфга борганида билиб қолдик. Яъни унинг кўриш қобилияти паст экан. Бир неча бор даволатдик. Шифокорлар кўзойнак тақса яхши бўлиб кетади, деганди. Лекин қизим кўз ойнак билан юришга уялиб тақмади. Чунки, бирикки таққанида айрим синфдошлари мазах қилибди. Ўша пайтда қаттиқ туриб мажбурламаганимга энди афсусланаман. Балки тузалиб кетармиди. Энди кеч.

- Ҳозир ҳам тақадими?

- Кўз ичига ўрнатиладиган думалоқ, юмшоқ, шаффоф мослама-линзани тақса яхши кўради.

Линза кўзда билинмайди, кўриш қобилияти пастлигини ҳеч ким сезмайди. Бу жуда қулай, лекин қизим турмушга чиққандан кейинги ҳаётини ўйласам сиқиламан. Кўплар линза ҳақида билмайди. Мен қизимнинг камчилигини ҳаммадан сир тутаман. Фақат қариндошлар билади.

- Қизингизнинг бу ҳолати уй ишларига халақит бермайдими?

- Асло, унинг тандирда нон ёпиши, сигир соғиши, кирларни яшнатиб ювишига қўшниларнинг ҳаваси келади. Шунинг учун ҳам совчиларнинг кети узилмаяпти. Менинг эса дардим ичимда. Шунинг учун ҳам кўриш қобилияти пастроқ ёки қизимнинг ҳолатини тушунадиган йигит учраб қолармикан, деган мақсадда келгандим.

- Насиба опа, сиз сиқилманг. Дунёда ҳар кимнинг ўзига яраша жуфти бўлади. Сиз ҳам қизингизни қадрлайдиган куёвни газета орқали топсангиз ажабмас.

Матлуба ШУКУРОВА

❸ СЕП-СИДИРҒА ШАРТ ЭМАС

Ўғлим Бобуржон хотини билан олти ой яшаб ажрашиб кетишди.

Шундан сўнг у кўнгилсизликларни унутиш учун Москва шаҳрига жўнаб кетди. Ҳозир у ерда обрўли лавозимда ишлайди. У 35 ёшда. Аслида жуда ёш кўринади. Ишидан хурсанд, топиш-тутиши ҳам яхши. Лекин биз унинг оилада ҳам бахтини топишини истаймиз. Бўлажак келинимиз нозикдан келган, бўйи узун, оппоқ, рус тилини биладиган, ўзбекона урфларимизни қадрлайдиган, ҳаёли, иболи ва замонавий бир қиз бўлса. У остонамиздан бахтли келинчак бўлиб кириб келса...(Замонавий деганда елкаси-ю, киндигини очиб кийиниб юрадиган қизларни кўзда тутмаяпман). Ўғлим билан қўша қариса, кўнглимиздаги ниятларимиз ушалган бўларди.

Келинимизнинг қимматбаҳо сеп-сидирғаси, мебеллари бўлиши шарт эмас. Хизматимизни қилсин, ҳам демаймиз. Чунки ёшлар тўйдан сўнг Москвага яшаш учун жўнаб кетишади. Баъзи оилаларда уч-тўртта бўйи етган қизлар бўлиб, ота-онаси кетма-кет тўй қила олмаслиги мумкин. Ана шу оилаларнинг қизлари ҳам таҳририятга қўнғироқ қилишса, балки, менга ва ўғлимга маъқул бўлишар?

Орзуимдаги қизлар бўлса, манзилимни таҳририятдан олишлари мумкин.

ГУЛСАРА ая, Тошкент шаҳри.

«Оила» бўлимининг ТЕЛЕФОНИ: 133-04-50.

❹ СИНГЛИМНИ ТУШУНСА...

Ушбу мактубни ёзарканман, кўзларимга ёш келди. Кейинги вақтларда синглимнинг тақдирини ўйлаб изтиробга тушаяпман. У яқинда 23 ёшга тўлди. Яхши бир ташкилотда ишлайди. Чиройи ҳам, ақли ҳам, одоби-ю, ўзини тута билишлари ҳам ҳавас қилса арзигудек.

Лекин бу оқилагина синглим ҳали турмушга чиқмаган. Кўчада, ишхонасида уни кўриб ошиқ бўлган йигитлар бор. Лекин ўша йигитларнинг совчилари маҳалламиздан биз ҳақимизда сўрашгач қайтиб кетишар экан. Тўғри, маҳалладошларимиз синглимни, оиламизни мақташади. Фақат!.. Дадажонимнинг қўлларида оқ доғлари бор-да! Наҳотки бунинг учун синглим гуноҳкор бўлса? Агар бу гапларни дадажоним эшитсалар кўнгиллари эзилиб, қанчалик қийин аҳволга тушишларини тасаввур қила олмайман. Онажоним ҳам синглимнинг тезроқ уйли-жойли бўлишини орзу қилади.

Отамнинг қўлига оқ доғлар тушишига мана бу воқеа сабаб бўлган. Бундан 14 йил аввал амаким автоҳалокатда вафот этганди. Бу воқеани эшитган дадамнинг кичик укалари эса тунги соат 2-3 ларда ухлаб ётганимизда дод-фарёд солиб уйимизга кириб келганлар. Уйғониб кетган дадам эса қаттиқ қўрқиб кетган. Ана шундан сўнг қўлларида оқ доғлар пайдо бўлган. Ахир бу Оллоҳ берган дард-ку, ким шундай бўлишини ҳоҳлаган дейсиз? Лекин буни ҳар бир одамга тушунтира олмаймиз-ку!

Аслида менга бу хатни ёзиш осон бўлмади. Нима қилай, сиқилдим, юрагимдаги дардимни кимгадир айтгим келди да. Онамга айтай десам бечорага маҳалладаги гап-сўзларни эшитиб сиқилгани ҳам етади. Ота-онам зиёли инсонлар. Муаммоларимизни еча олмасак маслаҳатлар беришади. Онам анча вақт маҳалла фаоли сифатида қанчадан-қанча оилаларни яраштириб, маслаҳатларини аямаганлар. Бу мактубни ҳеч кимга, ҳатто синглимга ҳам билдирмасдан ёзаяпман. Балки синглимни ва оиламизни тушунадиган яхши бир йигит, оила бордир?.. Синглим кўпроқ шифокорлар оиласига ҳавас қилади. Қани эди, уни тушунадиган бир шифокор йигит бўлса-ю, иккиси бахтли оила қуриб кетишса?.. Синглимнинг бахтли бўлишидан бошимиз кўкка етган бўларди.

Манзилимиз таҳририятда. САОДАТ, Қашқадарё вилояти.

❺ Қашқадарёликман. Олий маълумотлиман. Хотиним билан 9 йил яшаб бефарзандлик сабаб ажрашдик. Тошкентда икки хонали уйим бор. Топишим рўзғорни таъминлашга етади. Турмушга чиқмаган, 27 ёшгача бўлган қиз бўлса, тақдиримни боғлардим.

Содиқжон

❻ Асли сурхондарёликмиз. **28 ёшли** синглим бор. Уйим-жойим дейдиган, бир оилани обод қиладиган оқила қиз. Уни ҳурмат қиладиган, ўқимишли йигит бўлса узатардик. Ажрашган йигит бўлса ҳам майли.

Манзили таҳририятда.

Зарифа

❼ Қадди-басти келишган, **46 ёшли**, бефарзанд опамнинг бахти очилишини жуда истардик. У ажрашганидан буён ота-онам билан яшайди. Кўнглига маъқул бўлган жуфт учрамагани учун шу пайтгача турмуш қурмади. Фарзандлари бор бўлса ҳам инсофли инсон билан турмуш қуриш ниятида.

Манзилимиз таҳририятда. Ҳалима

❽ **54 ёшдаман**. Ички ишлар тизимида ишлаб, ҳозир нафақага чиққанман. Уч фарзандим уйли-жойли. Ўғилларим, келинларим билан яшайман. Узатиладиган бир қизим бор. Баобрў ва ўзига тўқ яшаймиз. 30-40 ёшли, ақлли, оқила, тошкентлик аёл бўлса, уйланиш ниятидаман. Ёши ўтиб турмушга чиқмай қолган аёл бўлса ҳам майли.

Манзилим таҳририятда. Аҳмад.

❾ Асли бухорликман. Отаонам билан яшайман. Ҳамшира бўлиб ишлайман. **Ёшим 31 да.** Озодаликни ёқтираман. Агар Тошкент ёки Навоий вилоятида яшайдиган, касб-корли, оилани қадрлайдиган йигит бўлса турмуш қурган бўлардим.

Манзилим таҳририятда. Гулчеҳра

❿ **Ёшим 30 да.** Ажрашганман. Савдода ишлайман. Ота-онам билан яшайман. Ҳаётимни яна изга солиб, яхши аёл билан оила қуришни жуда истайман. Шу боис 24-27 ёшлардаги, тошкентлик бир аёл билан танишмоқчиман.

Манзилим таҳририятда. Шаҳриёр, Тошкент.

⓫ Ҳеч кимнинг бошига кексайганда ёлғизлик тушмасин экан нафақадаман. Айни пайтда Янгийўл туманида ўз ҳовлимда яшайман. Маҳаллада ўзимга яраша обрўйим бор. Эркак кишининг ёлғиз қолиши ёмон экан. Бир хокисор, тушунган аёл бўлса тақдирдош бўлардим.

Манзилим таҳририятда Ҳалимжон ота

⓬ Отамнинг **ёши 68 да.** Биз фарзандларидан тинчиган. Энди эса катта ҳовлида ёлғиз ўзи қолди. Отамнинг топгани ўзига етиб ортади. Ҳаммамизнинг оиламиз бўлгани учун кунда келиб хабар олишга вақтимиз бўлмайди. Шунинг учун отамни уйлантирмоқчимиз. Қайси вилоятда яшашидан қатъий назар, 50 ёшдан ошган бир аёл бўлса онамиз ўрнида кўрган бўлардик.

Манзили таҳририятда. Санобар

БАСИРА тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди- 21.00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1132. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 10977
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Д. ИБРОҲИМОВ
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ
1 3456